VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

30 (38) 2009 йил 29 июль, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Тайёргарлик ишларининг кучайтирилиши

Декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирлар мажмуаси ўзининг амалий ва ташкилий жиҳати билан катта аҳамиятга эга.

➔ 2-бет



Музликларнинг эриши

Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари, айниқса, Европа ғарбида яққол сезилмоқда. Шимолий Италияда ҳарорат бошқа минтақаларга нисбатан тез суръатда кўтарилиб бораётгани чегаралардаги музларнинг эришига олиб келмоқда.

➔ 7-бет

Ёзги таътил марокли ўтмоқда

Ёз фасли нафақат мевачевага бойлиги, шунингдек, меҳнаткаш халқимиз ва фарзандларимизнинг марокли ҳордиқ чиқариши билан ҳам аҳамиятлидир.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
Кенгаш пленуми
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Мустақиллик — шонимиз, шавкатимиз
Кучли фуқаролик жамияти — демократия мезони
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар
Ахборот ва жамият
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Ёрдамга муҳтож ёдгорлик
Экспонатларга музей керак...
ЖАРАЁН 6-бет
Ёнғин хавфсизлиги
Фуқаро мурожаати
Одатдагидан икки ой олдин бошланди
Барчамиз масъулмиз
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Сауаши шаҳрининг сири
Дунёдан дараклар
НИГОҲ 8-бет
Кўпкари — "кўпнинг иши"
Ҳаяжонли дақиқалар
Турфа олам

ЖАРАЁН

Мустаҳкам ва ишончли

иқтисодий сиёсат туфайли мамлакатимиз юксалишда давом этмоқда

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигининг ўтган ўн саккиз йили мобайнида кўплаб нуфузли давлат арбоблари ва халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётганидек сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда дунё ҳамжамиятида мустақил давлат сифатида ўз ўрнимизга эга бўлдик. Президентимиз томонидан асослаб берилган ва амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбек модели" кашф этилди ва жаҳон миқёсида кечаётган бугунги молиявий-иқтисодий жараён Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғрилигини яна бир карра исботлади.

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикасида юргизилаётган иқтисодий сиёсат иқтисодий мустақилликка эришишга қаратилган. Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган иқтисодиётда хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва ана шу асосда рақобат муҳитини шакллантириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш воситасида таркибий қайта қуриш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириб бориш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга қаратилган маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, чекланган иқтисодий омиллардан тежамли ва самарали фойдаланувчи бозор субъектларини рағбатлантириш, аксинча иқтисодий омилларга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлган субъектларга нисбатан қатъий чораларини кучайтириш каби чора-тадбирларни иқтисодий мустақилликни таъминловчи асосий омиллар сирасига киритиш мумкин.

Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида бозор муносабатларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлиги, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланди. Натижада ўтган 18 йил ичида мамлакат иқтисодиётида нодавлат мулк шаклларининг ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши кескин ошди.

Ўзбекистон танлаган ва бозор иқтисодиётининг асосий белгиси бўлган хусусий мулк устуворлигининг қонуний асослари таъминланиши натижасида иқтисодиётда банд бўлган субъектларнинг мулкий таркиби кескин ўзгарди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ва иқтисодиётда банд бўлганлар таркибида давлат ва умумий мулк шаклидаги ишлаб чиқарувчиларнинг улуши салмоқли даражада бўлган бўлса, бугунги кунга келиб мавжуд корхоналарнинг 90 фоиздан ортиғи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтди.

(Давоми 4-бетда)



Истиқлол шукуҳи

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг мени улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

Муҳаммад ЮСУФ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – мустақиллик айёми тобора яқинлашмоқда. Бугунги тараққиёт, юксалиш замони ҳар бир юртдошимиз қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Ҳозир мамлакатимизнинг қайси гўшасида бўлманг, мустақиллик шукуҳи кезиб юрган, қай бир маҳаллага йўлингиз тушмасин, ободончилик ишлари қизғин давом этаётганига гувоҳ бўласиз. Ана шундай қутлуғ байрам арафасида биз турли касб-ҳунар эгаларининг фикр-мулоҳазалари, байрамона кайфияти билан қизиқдик.

МУСТАҚИЛЛИК 18 йил

Хўш, истиқлол бизга қандай имкониятларни туҳфа этди? Юртимиз равнақи, гуллаб яшнаши учун нима қилаяпмиз?

Руслан Ғуломов, абитуриент (Қашқадарё вилоят, Шаҳрисабз тумани):

- Мен бу йил 18 ёшни қаршиладим. Аслида инсон учун 18 ёш етуклик рамзи эканлиги сир эмас. Бизнинг мамлакатимиз ўтган йиллар мобайнида кутилганидан ҳам қўпроқ муваффақиятларга эришди. Мен спортга қизиқишим боис мамлакатимизда бу соҳада эришилаётган ютуқлардан кўнглим доимо фахру ифтихорга тўлади. Айниқса, ўқувчи-ёшларнинг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби босқичма-босқич спорт мусобақаларини олайлик. Буларнинг барчаси соғлом авлод ва порлоқ келажак сари қўйилган қадамлардир.

(Давоми 4-бетда)

ТАДБИР

Очиқ мулоқотлар

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан мамлакатимиз барча минтақаларида депутатлар, олим ва ёзувчи-шоирлар, санъаткор ҳамда жамоатчилик вакиллари кенг омма билан учрашув-мулоқотлар олиб боришмоқда. Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган ана шундай тадбирларда ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси Ахтам Турсунов, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдил Тўхташев иштирок этиб истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар ҳамда парламент қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти хусусида маърузалар қилиб, одамлар билан очиқ мулоқотлар ўтказишди.

Жумладан вилоятнинг Қўшработ, Пахтачи, Нарпай, Нуробод туманларида ҳамда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тадбирларда сўзга чиққан партия раҳбари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда йириқ сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ислоҳотлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан шундай деди:-Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ беш тамойилга асосланган ва "Ўзбек модели" сифатида дунёга машҳур ислоҳотларнинг ўзига хос йўлини танлагани ва бу амалда ўзини оқлаганлигига бугун дунёни иқтисодий-молиявий инқироз қамраб олган бир шароитда яна бир бор гувоҳ бўлиб турибмиз. Сизу бизнинг олдимизда инқирозга қарши қатъий чораларни амалга ошириш билан бир қаторда, инқироздан кейин мамлакатимизни янада гуркираб ривожланишига бор куч-ғайратимизни сарфлашдек масъулиятли вазифа турибди.

Мулоқотлар чоғида истиқлол йилларида мамлакатимизда бой ва бетакрор тарихий, маънавий ва маданий ҳамда буюк аждодларимиз илмий-маърифий меросини ўрганиш ва тиклаш борасида улуғвор ишлар амалга оширилгани ва бундай эзгу ишлар давом этаётганлиги алоҳида тилга олиб ўтилди.

Тадбирлар иштирокчилари ҳам сўзга чиқиб, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик барча ютуқларимиз гарови бўлаётганлигини таъкидлаб, мустақиллик халқимиз учун энг улуғ ва энг азиз байрамга айланиб қолганлигини таъкидлашди.

ТАҲЛИЛ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

Самарадорлик ва таъсирчанлик

партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар бу талабларга қай даражада жавоб бермоқда?

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида сиёсий партияларга бўлган эътибор ва шунга монанд равишда талаб ҳам ошди. Айниқса "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши бу борада сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАҲЛИЛ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

Самарадорлик ва таъсирчанлик

партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар бу талабларга қай даражада жавоб бермоқда?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртдошларимиз мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ғояларининг қайси бири уларнинг дунёқараши ва орзу-истакларига ҳамоҳанг бўлса, ўша партияга аъзоликка ўтаётир.

Ҳар бир партиянинг халқ орасида обрў-эътибор қозониши ўз ғоя ва мақсадларига оммани қай даражада ишонтира олишига боғлиқ. Бунда партия фаолиятининг кўзгуси бўлмиш тадбирларнинг мазмун-моҳияти, таъсири ва самараси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Партиянинг барча бўғинларида ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда ҳуқуқий мавзулардаги тадбирлар, турли учрашув ва давра суҳбатлари, ўқув-семинарлардан кўзланган мақсад битта: аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга чорлаш, жамоатчилик онгида сиёсий партия фаолияти, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида бажарадиган функциялари ҳақида аниқ қараш-

вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда бу борада аҳоли ва партия аъзоларининг билимларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди. Шу билан биргаликда улар орасида қанчадан қанча истеъдодларни, етакчиларни аниқлашга хизмат қилди. Бу каби тадбирлар партия фаолиятини холисона баҳолаш учун мезон бўла олади.

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек ЎзМТДП ташкилотлари орасида ҳам тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ўтказиш масалаларига панжа орасидан қарайдиганлари учраётгани ачинарли ҳолдир. Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасидан олинган рақамларга мурожаат қилсак, жорий йил бошидан буён ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгашида 194 та, Қашқадарёда 163, Хоразмда 162, Сирдарёда 147, Самарқандда 141, Жиззах вилоятида 137, Навоийда 110, Тошкент шаҳрида 108, Тошкент вилоятида 92, Қорақалпоғистон Республикасида 85, Фарғонада 74, Андижон вилоят кенгашида

ларни шакллантиришдан иборат. Сиёсий партиянинг муҳим вазифаларидан бири ижтимоий фикрни шакллантиришга таъсир ўтказиш эканлигини назарда тутсак, партиянинг ҳар бир аъзоси ана шу йўналишда фаолият олиб боришга қодир бўлиши талаб этилади. Жамоатчилик доимий равишда партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, лойиҳалари, фаолиятидан хабардор қилиб турилса, унга хайрихоҳлар ишончи тобора ортади. Бунга сазовор бўлишнинг энг самарали йўлларидан бири эса шубҳасиз, тадбирларда мазмун-моҳият, сон ва сифат, таъсирчанлик ва самара уйғунлашувига эришишдир.

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси девони ва барча ҳудудий кенгашлар томонидан жойларда турли мавзуларда мунтазам ўтказилаётган тадбирларнинг нафақат сон, балки сифат ва савия жиҳатдан ҳам ўзгариб бормоқда. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" ҳамда "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётган давра суҳбатлари, "Баркамол авлод – обод Ватан келажаги" минтақавий ёшлар форуми, "Миллий ғоя миллатни бирлаштирувчи байроқдир", "Ёшлар-миллий давлатчилигимиз ва миллий манфаатларимиз таянчи", "Қишлоқ тараққиёти – юрт истиқболи", "Миллий тикланиш-фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ажралмас қисми", "Тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт гарови", "Миллатни юксак маънавият ва тарбия асрайди, улуғлайди", "Аёлга эътибор-келажакка эътибор", "Ўзбекистонда сиёсий партияларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари", "Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва аҳамияти", "Маҳалла қадриятлар бешиги", "Миллий қадрият ва анъаналар ёшлар нигоҳида" мавзуларидаги туркум тадбирлар, учрашувлар бунинг ёрқин мисолидир. Биргина, мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ва қарийб икки ой давомида туман, шаҳар, вилоят ҳамда республика босқичлари бўлиб ўтган "Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловини олиб кўрайлик. Мазкур кўрик-танлов ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тармоқларидаги фаолиятини, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари

64, Сурхондарёда 63 ва Наманганда 48 та тадбир ўтказилган. Бу рақамлар вилоятлардаги мавжуд туман ва шаҳарларга нисбатан тақсимлаб чиқилса, айрим партия ташкилотлари ҳиссасига саноқли кўрсаткичлар тўғри келиши ажабланарли ҳол, албатта. Чунки ҳеч бир партия кенгаши атиги бир ёки бир неча маротабагина ўтказган тадбири билан зиммасидаги вазифасини оқламайди ёки омма орасига чуқур кириб боролмайди. Масалан, ЎзМТДП Наманган вилоятининг Наманган ва Поп, Тошкент вилоятининг Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарида бирорта ҳам тадбир ўтказилмаган бўлса, ЎзМТДП Фарғона вилояти Учкўприк, Бувайда ва Бешариқ туманида атиги 1 тадан тадбир ўтганини нима билан изоҳлаш мумкин?

— Бугун одамларни расмиятчилик юзасидан номигагина қилинаётган тадбирларнинг узундан-узун рўйхати билан алдаб бўлмайди. Уларни амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг аниқ натижалари билан ишонтириш, шу орқали эргаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда,- дейди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Туйғун Дўстқобилов. — Мазкур тадбирлар одамларни қизиқтирган ва ўйлантираётган долзарб масалаларни қамраб олиб, муайян ечимларни топиб бера олгандагина ўзига юклатилган вазифани оқлаши мумкин. Аммо, барча партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар бу талабга жавоб бера олади дейиш қийин. Баъзан шунчаки ҳисобот ёки маълумот учунгина ўтказилаётган тадбирларнинг борлигидан ҳам кўз юма олмаймиз.

Айрим ҳолларда тадбирлар маърузалардан иборат бўлиб қолаётганини партия ташкилотларнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётгани билан изоҳлаш мумкин. Уларда янгича ва ноанъанавий усуллардан фойдаланиш деярли йўқ. Аслидачи? Энг аввало, ўтказилаётган тадбирнинг самарадорлигини оширишда қандай омиллардан фойдаланиш зарур, у одамларга нима наф келтиради, деган саволлар ҳамиша ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир тадбирларга масъул шахс олдида кўндаланг туриши керак эмасми?

Яқинлашиб келаётган ғоят масъулиятли сиёсий синов даври, яъни Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдидан тадбирларнинг ижтимоий аҳамияти, таъсир доираси ва сифатини янада оширишда партиянинг барча ҳудудий ташкилотлари масъулият билан ёндашиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, мазкур сайловлар партиямизнинг ўз электорати олдидаги амалий ҳисоботи бўлади.

ЙИҒИЛИШ

Кенгаш пленуми

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашининг "Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш бўйича ЎзМТДП вилоят кенгашининг вазифалари" ҳамда "ЎзМТДП вилоят кенгашининг 2009 йил биринчи ярим йилдаги фаолияти ва иккинчи ярим йилликдаги сиёсий вазифалари тўғрисида"ги долзарб масалаларга бағишланган пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида туман, шаҳар партия кенгаши Ижроия қўмиталари раислари, ЎзМТДПдан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирок этди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мазкур анжуманни партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдуқаюм Каримов олиб борди. Партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси энг улуғ, энг азиз байрамимизга тайёргарлик кўриш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки ва сайловларга тайёргарлик кўриш тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимизда мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва юқори даражада ўтказиш анъанага айланганлиги боис бу вазифаларни бажаришда партия шаҳар ва туман кенгашлари фаол иштирок этишлари лозимлиги таъкидланди. Партия томонидан Мустақилликнинг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган барча тадбирлар "Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этиши таъкидлаб ўтилди.

Маълумки шу йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шу муносабат билан жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Консепция ишлаб чиқди. Бу борада партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш, муносиб номзодлар заҳирасини яратиш, партия ғоя ва мақсадларини аҳолига кенгроқ етказиш, ёшлар билан ишлаш, турли сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигига эришиш таъкидланди. Йиғилишда шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлар, "Миллий тикланиш" газетасига обуна масалалари ҳам кенг муҳокама этилди.

ФАОЛИЯТ

Тайёргарлик ишларининг кучайтирилиши

сайловнинг адолатли, ошкора ва очиқ ўтишига мезон бўлиб хизмат қилади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ўзаро келишувига асосан Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга кўра жорий йилнинг 25 июнидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сайлов қонунчилиги тарғиботига бағишланган ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Д.ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирлар мажмуаси ўзининг амалий ва ташкилий жиҳати билан катта аҳамиятга эга.

Жумладан, Термиз шаҳрида бўлиб ўтган "Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзусидаги ўқув-семинарда вилоятдаги кўплаб ОАВ вакиллари ва ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, партия туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари фаол иштирок этдилар. Ўқув-семинарда иштирокчилар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини ошириш, улар иш фаолиятида самарадорликни кучайтириш ҳамда сайлов жараёнларида тезкор ахборот етказишнинг янги усуллари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

— Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, сайловлар жараёнида ҳар бир оммавий ахборот воситаси диққат марказида турадиган асосий мезон ҳаққонийлик ва холислик бўлиши керак. Айни шу мезон сиёсий партиялар ва сайловчилар олдида ОАВнинг обрў-эътиборини намойиш этишга сабаб бўлади. Пишиқ, пухта, мазмунли чиқишлар орқали сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масъулиятли вазифа. Семинарда бу йўналишдаги янги таклиф ва ташаббусларнинг илгари сурилиши бизга катта тажриба бўлди,- дейди газетамизнинг вилоятдаги мухбири Алишер Раҳмонов.

ЎзМТДП Бойсун туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Орипов, Қумқўрғон туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ж.Аноровларнинг сайловолди тайёргарлик ишларини олиб боришда партия туман кенгашлари олдида турган муҳим вазифалар хусусидаги фикр ва тавсиялари бошқа партия ташкилотлари учун амалий қийматга эга бўлди.

Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган "Энг обод маҳалладан муносиб депутатлар номзодини кўрсатиш" мавзусидаги давра суҳбати ЎзМТДП Музработ туман кенгаши томонидан сайловга тайёргарлик ишларининг жадал олиб борилаётганидан далолат беради. Давра суҳбатида партия туман кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, қишлоқ фаоллари иштирок этдилар.

Уни Халқобод ҚФЙ раиси ўринбосари А.Субонов очди. Шундан сўнг сўз олган ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Раҳмонов сиёсий партияларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ижтимоий фикрни шакллантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга нотиқ ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳам кенг тўхталди ва жумладан, шундай деди: — Сайловлар ҳам жамият келажагининг пойдевори ҳисобланади. Ушбу жараёнларнинг қай даражада адолатли ўтиши унинг марказий субъекти ҳисобланган халқнинг ижтимоий фаолиятига боғлиқ. Бизнинг тобора яқинлашиб келаётган сайловни янада очиқ ойдин, ошкора ва адолатли ўтказишга муносиб ҳиссамиз нимада кўринади? Энг аввало эл корига ярайдиган, қонун ва қарорларни қабул қилиш давомида сизу бизнинг, умумхалқ манфаатларини кўзлаб фаолият юритадиган муносиб номзодларни танлашга эришишимиз керак.

Сайлов ва сайланиш, сайлов ҳуқуқлари, округ ва участкаларнинг тузилиши, сайлов комиссияларининг таркиби, депутатликка номзодлар сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақидаги берилган маълумот ва тавсиялар, баҳс-мунозараларда сўзга чиққан МФЙ раислари Б.Ҳолиқов, Ҳ.Эгамбердиев, Р.Алимназаров, А.Қўшоқовнинг фикрлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Самарқанд вилоят ва шаҳар кенгашлари ҳамда ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижаларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ресурсларни излаш ва ишлатишда барча даражадаги депутатлар масъулиятини ҳамда фуқаролик позициясини ошириш" мавзусида давра суҳбати ҳам бу йўлдаги муҳим тадбирлардан биридир.

Унда партия шаҳар ва туман кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари, партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари ва "Ёшлар қаноти" аъзолари иштирок этдилар. Давра суҳбатида ФЖЎИ илмий ходими, профессор Ф.Набиевнинг "Барча даражадаги депутатларнинг фаолиятида назорат функциясининг аҳамияти", ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Л.Мамасолиевнинг "Сиёсий партияларнинг сайловолди дастури", СамДУ тарихфалсафа факультети 4-курс талабаси М.Мустафоеванинг "Депутатлик фаолиятининг пассивлик сабаблари ва фаолиятини кучайтирувчи омиллар" мавзулардаги маърузалари давра суҳбатининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фойдали бўлишини таъминлади.

— Қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун сиёсий партиялар ва ҳаракатларга ҳокимиятнинг вакиллик ҳамда ижроия органларни шакллантиришда фаол иштирок этишлари учун сифат жиҳатдан янги ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратди,-дейди ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ўктам Қаршиев. — Дунё ҳамжамиятида халқаро сиёсий тадбирларга кузатувчилик ва экспертлик қилаётган мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда сайлов қонунчилиги тизими халқаро ҳуқуқнинг барча талаблари ва демократик тамойилларга тўлиқ жавоб беради. Хусусан, фуқароларнинг келиб чиқиши, миллати, дини, жинси, маълумоти, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар бир хил сайлов ҳуқуқига эгаликлари буни яққол исботлаб турибди.

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши ҳамда ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида "Сайловлар демократиянинг муҳим воситаси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.Уни ФЖЎИ МАТМ раҳбари Б.Рўзметов олиб борди. Давра суҳбати иштирокчилари "Сайловлар ва демократия Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ривожлантириш негизида", "Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш демократик ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида" мавзуларидаги маърузаларни тингладилар.

— Режага мувофиқ 12 та яна шундай давра суҳбатлари ўтказиш белгиланган бўлиб, улар график асосида давом эттирилмоқда, - дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши бош мутахассиси Р.Саидов.— Уларда иштирокчилар ўз сиёсий билимларини оширмоқдалар.

Унинг давомида партия аъзолари сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ва Марказий сайлов комиссиясининг Концепцияси асосида "Партия фаолиятининг устувор вазифалари" мавзусида ўз дастурларини ҳам ишлаб чиқиб намойиш қилдилар.

Тадбир баҳс-мунозараларга бой ўтди.

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан партия Арнасой, Бахмал ва Дўстлик туман кенгашлари Ижроия қўмитаси раислари, партия фаоллари иштирокида семинар ташкил қилинди. Ушбу семинарда сайловолди тайёргарлик ишларини олиб боришда зарур бўлган кўникма ва тавсиялар берилди. Шунингдек, партия кенгашлари томонидан жойларда амалга оширилиши керак бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Унга мувофиқ ЎзМТДП Зомин туман кенгаши томонидан Зомин МФЙда ўтказилган "Сайловлар демократия намунаси" мавзусидаги давра суҳбати иштирокчиларнинг савол-жавоблари асосида кечганлиги фуқароларимизнинг тобора сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлигини кўрсатади.

Тадбирларда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини эркин ифода этишининг кафолатланиши, сайлов ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг таъминланиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкони берилиши тизимнинг тобора такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

бу ғоя тадбирларнинг асосий мавзусига айланди

Сарвар ХУРРАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида Термиз Давлат университетида “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда университет ўқитувчилари, фаол ва ташаббускор талабалар, партия аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилмурод Алламуродов кириш сўзи билан очди ва кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шундан сўнг “Халқимизнинг маънавий маданиятида тарихий ҳақиқат ва манбаларнинг ўрни”, “Тарихи ва келажаги буюк Ўзбекистон” мавзуларида маърузалар тингланди.

* * *

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ўқув семинари ўтказди.

Анъанавий тарзда ўтказилган семинарда партия аъзолари, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутатлари, ФЖЎИ вакиллари, “Аёллар қаноти” фаоллари иштирок этди.

Семинар ишида сиёсий партиялар фаолиятига оид қонунлар, сиёсий партиядан депутатликка кўрсатиладиган номзодларнинг ишончли вакили ва ваколатли вакилнинг мақоми, сиёсий партияларнинг ўз платформаси каби масалалар ўрганилиб, булар юзасидан керакли тушунчалар берилди.

- Бундай семинарларни ташкил этиш натижасида партиямиз аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлиги янада ошиши шубҳасиздир,- деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шарипов.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, сайловолди жараёнларида нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди. Бундай амалий машғулотлар эса семинар ишининг янада самарали ўтишини таъминлади.

* * *

Фарғона шаҳар “Аҳмад ал-Фарғоний” номидаги вилоят ахборот-ресурс марказида ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси ҳамда “Фарғона тамаддуни” газетаси таҳририяти ҳамкорлигида “Муқаддас қадамжолар”, “Шоҳимардон зиёратгоҳи”, “Биби Убайда зиёратгоҳи”, “Хожам Подшоҳ зиёратгоҳи” китобларининг тақдимот маросими ўтказилди.

Тадбирда жамғарма ходимлари, партия фаоллари, “Ёшлар қаноти” аъзолари иштирок этишди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда чоп этилаётган китоблар китобхонларнинг вилоятдаги тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, қишлоқлар ҳақида батафсил маълумот олишларига имкон яратмоқда.

Шунингдек, тадбирда келгусида чоп эттирилиши режалаштирилаётган китоблар ҳақида ҳам маълумот берилди.

* * *

“Миллий тикланиш ғояси – миллий манфаатларимизга хизмат қилсин” мавзусидаги тадбир ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши “Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси” Хоразм вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Жуманиязов юртдошларимизда миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш, шунингдек, миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни асраш партия дастуридаги асосий мақсад ва вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратди.

Тадбир сўнггида фаол иштирокчиларга партия шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ЎзМТДП Чортоқ туман кенгаши томонидан “Биз диний экстремизмга қаршимиз” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбатида партия аъзолари, «Мучум» ҚФЙ ва «Дамариқ» МФЙ фаоллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДТП Чортоқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси кириш сўзи билан очиб, турли диний оқимларнинг ёшлар онгига кўрсатаётган таъсирининг ёшлар олишга қаратилган амалий ишлар ҳақида тўхталди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар ҳозирги кунда ёшлар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларини янада кучайтириш, маҳаллаларда “Ўз уйингни ўзинг асра” шиори остида тадбирлар ўтказиб туриш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шу мавзудаги тадбир ЎзМТДП Норин туман кенгаши томонидан ҳам ўтказилди. Хўжаобод саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ушбу тадбирда «Хўжаобод» МФЙ фаоллари, коллеж ўқитувчи ва талабалари, партия аъзолари иштирок этди.

Диний экстремизмнинг жамиятга кўрсатаётган салбий таъсирларига тўхталган ЎзМТДП Норин туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси З.Ботирова айрим ёшларимизнинг турли мафкуравий гуруҳлар домига тушиб қолишининг олдини олиш лозимлигини таъкидлади.

Тадбир очиқ мулоқот ва савол-жавоб тарзида бўлиб ўтди.

* * *

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши томонидан “Қишлоқ аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партия фаоллари МФЙ ва ҚФЙ раислари, партия “Ёшлар қаноти” раҳбарлари, туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари А.Амонов кириш сўзи билан очиб, қишлоқ аҳолисини ташвишга солаётган айрим муаммоларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда сўз олганлар қишлоқларда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш учун ҳукуматимиз томонидан кенг имкониятлар яратилаётганлиги, жумладан, ободонлаштириш ишларининг жадал бораётгани, газлашмаган ҳудудларни газ ёнилғиси билан таъминлаш борасида қилинаётган ишларга тўхталдилар.

Иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

- Буюк ҳофиз, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов қўшиқларини севмайдиган, уларни тинглаганда ларзага келмайдиган инсон кам учрайди,- деди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Ибрагимов партиянинг «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда. - Унинг қўшиқлари халқимизнинг улкан бойлиги ва маънавий меросига айланиб улгурган.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими вакиллари ва партия фаоллари иштирок этди.

Йиғилганлар ҳофизнинг ўлмас қўшиқлари, авлодларга ибрат бўлгулик ҳаёт ва ижод йўли хусусида фикрлашдилар. Ҳофизнинг Урганчдаги уйида бронзадан ясалган ҳайкали ўрнатилди.

Тадбирда шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари Усмонбой Жумагалдиев, Урганч шаҳар ҳокими Баҳром Аллаберганов ва бошқалар сўзга чиқиб, буюк ҳофизнинг хотираси абадий қалбимизда сақланажагини эътироф этдилар. Ҳофизнинг шогирдлари, издошлари томонидан қўшиқлари янгради.

Тадбир якунида иштирокчиларга партиянинг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилояти ва Ўзбекистон туман кенгашлари томонидан Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда туман ИИБ ҳамкорлигида “Қизил-қақир”, “Ражабгарди”, “Ғаниобод”, “Нурсуҳ” ҚФЙларида “Тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт гарови” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда ҚФЙ фаоллари, ИИБ туман бўлими ходимлари, партия аъзолари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Ўзбекистон туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Маҳкамов кириш сўзи билан очиб, гиёҳвандлик жамият, ёшлар ҳаётига хавф солиши, унинг олдини олиш учун халқ таълими, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари, жамоатчилик ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳамда маҳалла фаоллари ҳамкорликда аҳоли ўртасида унинг салбий оқибатлари ҳақида доимий тушунтириш ишларини олиб бориши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундай тадбирлардан бири “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш” мавзусида ЎзМТДП Фурқат туман кенгаши томонидан ҳам ўтказилди. Тадбирда тумандаги йирик корхона ва ташкилот вакиллари, ҚФЙ ва МФЙ раис ҳамда маслаҳатчилари, шунингдек партия фаоллари иштирок этдилар.

Тадбир баҳс-мунозарага бой бўлди.

ЎзМТДП «Аёллар қаноти» фаоллари

ДАВРА СУҲБАТИ

Мустақиллик – шонимиз, шавкатимиз

Ўтмишни ўрганганимиз сари мустақиллик қадрини шунча теран ҳис этамиз. Истиқлолимиз чинакамига истиқболимиз бўлиб кулгани ҳеч кимга сир эмас. Энг буюк, энг азиз байрамимизни қанча кўтаринки кайфиятда қарши олсак шунча кам. Миллий байрам шукуҳидан чексиз қувонган ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши аъзолари байрам тадбирларини биринчилардан бўлиб бошлаб юбордилар.

Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Яқинда Андижон шаҳридаги ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан **«Мустақиллик-шонимиз, шавкатимиз»** мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатидан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги байрамини муносиб тарзда ўтказишда байрамолди режаларни тузиш, ўтган йиллар давомида эришилган ютуқлар борасида фикр алмашишдан иборат эди.

— Бизнинг бу ерда тинч ва хотиржам, байрамона кайфиятда йиғилиб, келажагимиз ҳақида улкан режалар тузишимиз ҳам мустақиллигимиз шарофатидир, - деди ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Комилжон Отахонов давра суҳбатини очар экан. Вилоят кенгаши раиси ўз сўзида давом этиб ўтган давр мобайнида мамлакатимизда юз берган улкан ўзгаришлар ва Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларга кенг тўхталди.

Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар: ютуқлар ва амалиёт» мавзусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Тўхтабоев маъруза қилди. У ўз маърузасида юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг самараси ва қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлганлиги тўғрисида гапирди.

Тадбирни ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази бош илмий ходими О.Тоҳиров ўзининг «Миллий тикланишнинг маданий-маънавий муаммолари» мавзусидаги маърузаси билан давом эттирди. Нотиқ ўз маърузасида нафақат миллий тикланишнинг маданий-маънавий муаммолари ҳақида балки тарихга назар ташлаб, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ибратли ишлари ҳақида тўхталди. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ижодидан, ибн Сино, Марғиноний каби буюк сиймолар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бериб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Х.Қўчқаровнинг партияга қабул қилиниб, унга аъзолик гувоҳномасининг тантанали равишда топширилиши давра суҳбатига қизғин тус берди. У ўз сўзида ЎзМТДП сафига қўшилганидан мамнун эканлигини, келгуси фаолиятида партиянинг ташаббускор ва фаол аъзоларидан бири бўлишини таъкидлади ва ўзининг янги ғазал, шеърларидан ўқиб берди.

Шоира ижодидан илҳомланган, ЎзМТДП Андижон шаҳар «Ёшлар қаноти» фаоллари Ватан, мустақиллик мавзусидаги шеърлари билан мушоира ташкил этишди, ёш ҳаваскорларнинг ижод намуналари барча йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Тадбирда ЎзМТДП Жалақудуқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилфуза Иминжонованинг Андижоннинг мард ўғлонларини мадҳ этувчи ғўзал қўшиғи даврага янада файз бағишлади.

Давра суҳбати давомида иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида келгусида партия фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«МТ» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Кучли фуқаролик жамияти – демократия мезони

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент вилояти ва Янгийўл туман кенгашлари ҳамда Янгийўл туман ҳокимлиги ҳамкорлигида “Кучли фуқаролик жамияти-демократия мезони” мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Янгийўл туман ҳокимлиги вакиллари, партия вилоят ва туман кенгашлари фаоллари, тумандаги йирик корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.

Дастлаб тадбирни Янгийўл туман ҳокими Н.Хаиткулов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан ислоҳотлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари М.Қориева, Э.Юсупов, У.Исмоилов, С.Аҳмедова ва ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Сайдуллаев ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим тамойилларидан бири давлат органлари ва фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги ҳамда улар ёрдамида жамиятдаги турли ижтимоий масалаларни ҳал этиш орқали мамлакатимизда ҳар бир соҳада ривожланиш бўлаётганини айтиб ўтдилар.

Айтиш жоизки, бугунги кунда бу борада амалга оширилаётган чуқур ва кенг миқёсли ишлар натижасини фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишида кўриш мумкин. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ваколатларининг кенгайиши, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини ифодалайдиган ҳамда ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат ташкилотларнинг ташкил топиши ва уларнинг роли ортиб бориши ушбу жараёнларни янада тезлаштирмоқда. Яна шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуришда маҳалла институтини ривожлантиришга катта аҳамият берилишидан кўзланган мақсадлардан бири аҳолининг ўзини ўзи бошқариш, сиёсий қарорлар қабул қилишда кенг иштирок этишини таъминлаш, давлат бошқаруви ваколатларининг бир қисмини фуқаролар йиғинларига бериш асосида халқ иродасининг давлат аҳамиятига молик қарорларда ифодаланишига эришишдан иборат.

Тадбирда таъкидланганидек, давлат ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партиялар фаолиятининг кенгайишини ҳам бу йўлдаги муҳим жиҳатлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Жумладан, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштиришда дастуриламал бўлаётгани, “кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили амалда ўз ифодасини топаётганидан далолатдир.

Тадбирда иштирокчилар мавзу юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Бу йўналишда олиб борилаётган тадбирлар ва вазифаларга кенг тўхталдилар.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЖАРАЁН

Мустаҳкам ва ишончли

иқтисодий сиёсат туфайли мамлакатимиз юксалишда давом этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур корхоналарда айни пайтда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилаяпти. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 76 фоизи, жумладан саноат маҳсулотининг 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилаяпти.

Барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор ўз мулкига тўлалигича эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф эта олиши қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилганлиги, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратилганлиги сабабли сўнгги олти йил мобайнида иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 1,9 баробарга кўпайди. Масалан, ўтган йил уларнинг умумий сони қарийб 400 мингтани ташкил этди.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилда 48,2 фоизга кўпайди. Жорий йилда эса илк маротаба 50 фоиздан ошиши кутилмоқда.

Бундай улкан натижани бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йил 45,3 фоиздан ошди.

Мамлакатда иқтисодиётни диверсификация қилишнинг яна бир йўналиши иқтисодий мустақилликнинг асосий омилларидан бири бўлган ғалла ва иккинчи нон ҳисобланган картошка мустақиллигига эришиш бўйича амалга оширилган ишларда намоён бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиздаги ғалла ва ун маҳсулотларига бўлган ички талабнинг 80 фоизидан ортиғи импорт қилинган. Жорий йилда 6610 минг тонна ғалла, тайёрланди. Бу эса ички эҳтиёжларимизни тўлиқ қондириб, Ўзбекистонни ғалла импорт қилувчи давлатдан МДҲ, Афғонистон ва Эрон каби бир қанча давлатларга ғалла ва ун маҳсулотлари экспорт қилувчи мамлакатга айланишига имконият яратди.

Бир пайтлар мамлакатимизга чет давлатлардан 1 миллион тонна картошка олиб келинган бўлса, айни пайтда картошкага бўлган ички эҳтиёжларимиз тўлиқ ўзимизда етиштирилган маҳсулот ҳисобига қондирилмоқда.

Ғалла ва картошка мустақиллигига эришишга қаратилган сиёсат биринчидан, мамлакатимизни бошқа мамлакатларга ана шу маҳсулотларга нисбатан бўлган тобелигига барҳам берди, иккинчидан, уларни четдан сотиб олиб келиш учун сарфланадиган валюта маблағларини тежаш имконияти пайдо бўлди. Ва бу тежаб қолинган валюталар аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бошқа маҳсулотларни сотиб олиш учун сарфланмоқда.

Бундай катта натижаларга эришишда мулкчилик борасидаги иқтисодий сиёсатнинг пировард натижаси ҳисобланаётган деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этилиши ва уларни асосий хўжалик юритувчи субъектга айланганлиги сабаб бўлди, дейиш мумкин. Давлатимиз томонидан олиб борилган ана шундай иқтисодий сиёсат туфайли бугунги кунда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоиз, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизга етди. Шу сабабли ҳам Президент Ислом Каримов ғаллакорларга йўллаган табригида фермер хўжаликларининг мавқеи ва меҳнатига юқори баҳо берди: *"Ҳаёт қийинчиликларида тобланган, иродаси бақувват, ернинг сирини чуқур биладиган, замонавий аграр технологияларни чуқур ўзлаштирган деҳқон ва фермер хўжаликларимизнинг тинимсиз ва фидокорона меҳнати мана шундай улкан ғалабага замин яратди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади".*

Иқтисодиётни диверсификациялашга қаратилган сиёсатнинг яна бир муҳим йўналиши мустақиллик даврида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулоти бўлган пахта толасини хомашё сифатида экспорт қилишга барҳам бериш, пахта толасидан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш воситасида янги иш ўринлари очиш ва мамлакат валюта заҳирасини кўпайтиришга қаратилган сиёсат ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида етиштирилган пахта хомашёсининг атиги 7 фоизи мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланган, холос.

Иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнида маҳаллий хомашёлардан қайта ишланган халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ташқи савдони диверсификациялашга қаратилган сиёсат олиб борилиши натижасида ташқи савдо таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан ошганлиги маълум қилинди. Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толаси 1991 йилда 70 фоизни ташкил қилган бўлса, 2003 йилда 20 фоиз, 2008 йилга келиб эса 12 фоизга камайди.

Шу ўринда иқтисодиёт ҳамда ташқи савдони диверсификациялашга қаратилган сиёсат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг амалий натижасини кўрсатганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Яъни, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи бозор конъюнктурасининг ёмонлашувига қарамасдан жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган товар ва хизматларни етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига 2008 йилда мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга, товарлар ва хизматлар экспорти эса 28,7 фоизга кўпайишига эришилди.

Иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнида мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит алоҳида ўринга эга бўлди. Яратилган қулай инвестицион муҳит сабабли иқтисодиёт тармоқларига мустақиллик йилларида 110,0 миллиард доллардан ортиқ инвестициялар киритилди. Унинг 25,0 миллиардга яқини хорижий инвестиция ҳисобланади. Кейинги пайтда уларнинг таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғи ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, 2008 йилда хорижий инвестицияларнинг 74 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялардан иборат бўлди. Худди шунингдек, 2009 йилда иқтисодиётимизга киритилиши мўлжалланаётган 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестицияларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғига тўғри келиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида шундай деган эди: *"Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди".* Бу Ўзбекистон танлаган мазкур йўл келгусида ҳам мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қолишидан далолат беради.

Истиқлол шукуҳи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Орзуим ҳам яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимга, Ватанимга муносиб фарзанд бўлишдир.

Айни дамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факультетига ҳужжат топширдим. Келгусида аждодларимиз қолдирган бой меросни бошқа халқлар билан ҳам баҳам кўриб, юртимиз шон-шуҳратига муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Бу менинг мамлакат мустақиллигига қўшадиган ҳиссам бўлади, десам муболаға бўлмас. Ҳар бир инсоннинг туғилиб, униб-ўсган жойи ҳақида "она Ватан" ибораси қўлланилиши бежиз эмас. Аслида, она фарзандидан ҳеч нарса таъма қилмайди. Унинг учун фарзандининг эришаётган ютуқлари ҳам бир олам туҳфадир.

Илҳом Азимов, ҳунарманд (Тошкент шаҳри):

- Ижодкор аҳли борки, эркинлик унга сув ва ҳаводек зарур. Мустақилликнинг энг катта инъомларидан бири шу. Ўзим ота-бобомиздан қолган ҳунар ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман. Ана шу ҳунар кетидан бугун ҳаётимиз тўкин, ризқимиз бутун бўлди. Баъзан одамларнинг нолиётганини кўрсам жаҳлим чиқади. Барча касби-кор учун шундай тенгсиз шарт-шароит яратилаётган пайтда шукр қилиш керак, дегим келади. Тинчлик бор жойда янгиланиш ва ривожланиш давом этади. Оилам ҳали ёш, шунга қарамай, ниятим фарзандларим камолини кўришдир. Зеро, юртимизда ёшлар таълим-тарбияси учун катта имкониятлар яратилган экан, бундан унумли фойдаланиш керак. Тилагим юртимиз обод, истиқлолимиз абадий бўлсин.

Самидулло Маҳмудов, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

- Мустақиллик туфайли энг аввало ўзлигимизни англаб етдик. Қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта тикланди, асл маънавиятимиз томир ота бошлади. Партиямиз дастури, амалга ошираётган тадбирларига назар ташласак ҳам айнан шунинг гувоҳи бўламиз. Биласизми, эркинлигимиз шарофати билан турли соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар, қилинаётган янгиликлар асрлар давомида аждодларимизнинг орзуси бўлиб келган. Ана шу ният бугун, истиқлол дамларида ўз ифодасини топди. Айниқса, аждодларимизнинг ақл-заковати орқали яратилган ҳам маънавий, ҳам моддий меросимизга эътибор кучайди. Дунё халқлари миллийлигимиз, қадриятларимиз билан ошно тутинаётган бир пайтда, ҳар биримиз Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшишга уринмоғимиз даркор. Бу ҳиссамиз фарзандлик бурчини адо қилиш, элу юрт манфаатини биринчи даражага қўйиб, меҳнат қилишимиз билан ўлчанади.

ҚЎЛЛАНМА

Мустақилликнинг ўтган ўн саккиз йили мобайнида юртимизда жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилди.

Р.РЎЗИЕВ, юридик фанлар доктори, профессор

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

тўплам шаклида чоп этилди

Мустақиллик йилларида ҳуқуқнинг роли энг аввало, қонунчиликни янгилаш ва уни ривожлантиришда ёрқин намоён бўлмоқда. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш самарали ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Миллий қонунчиликни яратиш иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиши баробарида фуқаролик жамиятини шакллантиришда устувор юридик асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий база босқичма-босқич шакллантирилмоқда. Статистик таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикасида жами **661** та Қонун қабул қилинган бўлиб, шундан **546** таси амал қилмоқда, **15** тасини Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, **202** тасини Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар ташкил этса, **115** таси эса ўз кучини йўқотган.

Қонунчилик жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш, уларни рўйхатга олиш ва тизимлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Конституциямизнинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Бизга маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тубдан янгиланди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари асосан инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлашга ва шу билан бирга, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг мақсад ва вазифалари, принциплари, таркибий қисмлари билан биргаликда мукаммал ҳуқуқий базани ташкил этади. Шу билан бир қаторда, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, айниқса, уни ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш объектив заурат бўлиб ҳисобланади. Ушбу заурият инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими тўплам шаклида чоп этилди.

Ушбу тўпламга 1989-2009 йилларда Ўзбекистон парламенти томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган) халқаро кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар тизимли тарзда киритилган.

Мазкур тўпламнинг тайёрланиши нафақат амалий эҳтиёж, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Чунки, ушбу модда талабига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш, марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олиш, уларнинг фондлари ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир.

Шу сабабли, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишда нафақат уни йиғиш ва рўйхатга олиш, энг муҳими, уларни назорат ҳолатида сақлаб туриш, амалиётда қўллашнинг муҳим гаровидир. Тўплам Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида тайёрланди.

Мазкур тўплам олти қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисми маълум мезонлар бўйича ажратилган. Тўпламнинг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Олий Мажлиси томонидан 1989-2009 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари рўйхати киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 1989-2009 йиллар мобайнида қабул қилинган амалдаги қонунлари рўйхати деб номланувчи иккинчи қисмида эса 1989 йилдан то 2009 йилга қадар қабул қилинган ва бугунги кунда амалда бўлган қонунларнинг рўйхати, нашр манбалари, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари кўрсатилган ҳолда келтирилган. Тўпламнинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни ратификациялаш, уларга қўшилиш ва уларни денонсация қилиш тўғрисидаги қонунлари рўйхати келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси қўшилган (расмий тасдиқлаган) халқаро кўп томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг тўртинчи қисмида ўз ифодасини топган бўлиб, бунда фақатгина Ўзбекистон Республикасининг МДҲ доирасида қабул қилинганлардан ташқари шартномалар рўйхати назарда тутилган. МДҲ мамлакатларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган икки томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг бешинчи қисмида келтирилган. Тўпламнинг олтинчи қисмида эса Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама шартномалари ва бошқа қўшма ҳужжатлари рўйхати киритилган.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида тайёрланган мазкур тўплам қонунчилик жараёни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчилар, аспирантлар, магистрлар ҳамда кенг жамоатчилик учун фойдали қўлланма бўлади деган, умиддамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИ

ИЖТИМОИЙ ФИКР

Ахборот ва жамият

унинг ўзига хос хусусиятлари

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир. У аввало жамоатчилик фикрини чуқур англашни тақозо этади. Бу эҳтиёж эса бир томондан, давлат ва жамият тузилмаларининг демократия тамойилларига нечоғли асосланишига, иккинчи томондан эса мавжуд манбаларни илмий мушоҳадалаш, назарий қайта ишлаш, таҳлил этиш ҳолатларига бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади.

Айни чоғда, жамоатчилик фикрининг ўзгарувчанлик табиатига таъсир ўтказиш, уни муайян меъёрларда ушлаб тура олиш ҳамда мақсадли шакллантириш давлат, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш кафолати саналади.

Мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, мақсадли ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни аввало жамоатчилик фикрида намоён бўлади. Шу боис, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнлари жамоатчилик фикрида қандай намоён бўлаётганлиги, уни қандай шакллантириш, оммани янгиланишлардан огоҳ этиш ва энг муҳими, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларига мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда.

Фуқаролик жамиятида инсоннинг ўз салоҳиятларини юзага чиқариш учун табиий равишда муайян ижтимоий-сиёсий гуруҳларга аъзо бўлиши тақозо этилади. Бу эса инсонга ўзи аъзо бўлган жамият, партия орқали ташқи воқеликка ижтимоий таъсир этиш имкониятини ҳам юзага келтиради. Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидение, реклама, шоу дастурлар) ва горизонтал (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишларига амал қилиб келади. Масалан, жамоатчилик фикрини бошқариш деб номланувчи (Publice Realation) тизими орқали Америка Қўшма Штатларида жамоатчилик фикрини махсус шакллантириш борасида 200 мингдан кўпроқ киши доимий фаолият юритади. Биргина АҚШ мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш учун 15000 нафар мутахассис ишлайди.

Худди шундай тизим Англия, Франция, Италияда ҳам мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда берилаётган ахборотларнинг таъсири аҳолининг турли қатламлари орасида уларнинг ижтимоийлашуви кўламларини ўрганишга ихтисослашган социолог-психолог штатлари мавжуд. Мисол учун Рено заводининг Парждаги илмий лойиҳалаш ва моделлаштириш маркази (Марказда 2,5 минг киши фаолият юритади)да 35 кишидан иборат социолог ва психологлар гуруҳи доимий иш олиб боради. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа кўплаб йирик мамлакатлар ахборот индустрияси иш тажрибасида ҳам кўрсатиш мумкин.

Ахборот тарқатишнинг бугунги моҳияти тоталитар тузум давридаги давлат ва ҳукмрон партиянинг директив кўрсатмаларини аҳоли онгига тазйиқ билан сингдириш услубидан фарқ қилади. Бугунги кунда ахборот тарқатиш асосан, билвосита услублар орқали, яъни, санъат ва маданият, саноат маҳсулотлари, таълим тизими орқали амалга оширилмоқда. Ахборот хуружларига қарши кураш жамоатчилик фикри социологияси фанини ривожлантиришни тақозо этади. Ўзбекистонда истиқлол йилларининг илк даврлариданоқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ана шу реал эҳтиёжлар асосида халқнинг маънавий сарчашмалари булоғини очиш, ўзлигини намоён этиш имкониятларини тиклаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Биринчидан, ана шу ижтимоий жараённи ҳам назарий, ҳам амалий ўрганишга мутасадди бўлган социология соҳасининг илмий-педагогик асослари таркиб топди.

Ўнлаб ўқув-услубий адабиётлар, монографиялар, илмий тўпламлар нашрдан чиқарилди. Иккинчидан, социология фанининг илмий-назарий имконияти таркиб топтирилди. Учинчидан, жамиятнинг турли табақалари орасида ижтимоий фикрни ўрганишга ихтисослашган профессионал нодавлат ташкилотлари тизими шаклланди.

Биргина "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган беш йил мобайнида 103 та махсус социологик сўровлар ўтказилиб, 130 мингдан зиёдроқ киши тадқиқотларга жалб этилди. Агар мамлакатимиздаги ўнлаб ихтисослашган социологик марказлар, ташкилотларнинг сўровларига ялпи жалб этилган аҳоли сони тахмин этилса, бу рақам бир неча юз мингдан ошиб кетади. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини умумий баҳолайдиган бўлсак, бу жараён бугунги кунда ўзиниг фаол шаклланиш босқичида эканлигига амин бўламиз.

Президентимиз Ислом Каримов жамоатчилик фикри омилига жиддий эътибор қаратиб, мазкур соҳанинг фуқаролик жамиятини барпо этиш ва жамиятни эркинлаштириш борасида катта имкониятлар мавжудлигини бир неча бор таъкидлаганликлари бежиз эмас. Айниқса, жамоатчилик фикрини мақсадли шакллантириш, аҳоли турли табақалари онгини эзгулик ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавият-маърифат, одоб-аҳлоқ тамойилларини устувор мавқеларга кўтаришда социологиянинг аҳамиятига бежиз урғу берилмади.

Дилдора ШУКУРОВА

АНЖУМАН

"Соғлом она – соғлом бола"

мавзусини ёритишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида, айниқса оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган талай ишлар амалга оширилаётир. Шаҳару қишлоқларда кўплаб замонавий тиббиёт масканлари барпо этилаётгани, хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари тубдан ислоҳ қилинаётганидан дарак беради. Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган ҚВПлар, шаҳар шароитидан қолишмайдиган даволаш масканлари бунёд этилмоқда. Бу эса ҳар биримизнинг қалбимизга фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Она ва бола саломатлигига эътибор фақат соғлиқни сақлаш мутасаддилари ёки журналистлар фаолияти билан ўлчанмайди. Бунга энг аввало ҳар бир инсон, ҳар бир оила аъзоси, у қайси соҳа вакили бўлишидан қатъий назар масъулдир. Бу борада бирдамлик ва якдиллик билан иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга...

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган "Соғлом она — соғлом бола" мавзусини ёритишда ОАВнинг ўрни масаласига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилаётгани хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, она ва болалар саломатлигини назорат қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилгани, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам унинг амалда жорий этилаётгани диққатга сазовордир. Аёлларимиз сиҳат-саломатлиги хусусида гап кетганда, энг аввало унинг она эканлигини унутмаслигимиз лозим. Она соғлом бўлса, туғилажак фарзандлар ҳам баркамол бўлади... Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигига кўрсатилаётган эътибор дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётгани сир эмас.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов, Республика репродуктив саломатлик маркази директори Д.Ҳасанова сўзга чиқиб, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларининг моҳияти, муаммонинг ечимлари ҳақида фикр юритишди.

Тадбир сўнгида маърузаларда кўтарилган масалаларни ОАВда ёритиш бўйича баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ғолиб ёшлар

"Ниҳол" мукофотининг республика босқичида ўз омадини синаб кўради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун Республика "Ниҳол" мукофоти 2000 йилда таъсис этилган бўлиб, йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. "Ниҳол" мукофоти ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш учун ҳар йили ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад халқимиз орасидан етишиб чиқаётган ёш иқтидор эгаларини асраб-авайлаш, уларнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашишдир.

Шу кунгача республикамизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги саралаш босқичлари ниҳоясига етди. Ушбу саралаш босқичлари республика кенгаши аъзоларидан бириктирилган вакиллар ва вазирлик девони ходимлари кузатуви остида кенг жамоатчилик ва нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан холис баҳоланиб борилди.

Жойларда ҳар йилгидек эстрада ва мумтоз қўшиқ йўналишида рақобат кучли бўлди. Жумладан, эстрада йўналишида бир ўринга Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида 25 нафар, Андижон вилоятининг Андижон шаҳри ҳамда Балиқчи туманида 22 нафардан, Бухоро вилоятининг Бухоро туманида 27 нафар, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида 45 нафар, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида 40 нафар, мумтоз қўшиқ йўналиши бўйича Наманган вилоятининг Поп туманида 21 нафар, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида 30 нафар, Фарғона вилоятининг Фарғона туманида 41 нафар номзод ўзаро беллашдилар.

Жорий йил "Ниҳол" мукофотининг Республика бўйича саралаш босқичларида жами 9643 нафар (2008 йилда бу кўрсаткич 8122 нафарни ташкил этган эди) истеъдодли ёшлар иштирок этган бўлса, иккинчи саралаш босқичида бу кўрсаткич 972 нафар (2008 йилда 881)ни ташкил этди. Ҳудудлардан "Ниҳол" мукофоти Республика кенгашига 90 нафардан зиёд ёш ижодкорлар саралаб олинди.

Эндиликда "Ниҳол" мукофоти республика кенгаши томонидан белгиланган йўналишлар бўйича республика босқичи ғолибларини аниқлаш ишлари кетмоқда. "Ниҳол" мукофоти ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими август ойида бўлиб ўтади.

"Ўлан айтгали келдик"

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Жиззах вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Зомин тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида Зомин тумани марказидаги "Сайқал" сайилгоҳида "Ўлан айтгали келдик" деб номланган анъанавий фольклор санъати байрами ўтказилди.

Бундан мақсад "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, қишлоқлар аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, айниқса, юртимизнинг муносиб ворислари бўлмиш ёшларимизни миллий қадриятларимизга бўлган эътибори ва қизиқишларини ошириш, шунингдек, республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар ғолиби бўлган ўлан ижрочиларининг ижодини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Оммавий байрам сайлида Фарғона, Андижон, Наманган, Навоий, Тошкент ва Жиззах вилоятларида фаолият олиб бораётган ўланчилар ҳамда Зомин тумани "Зомин сайқали", Жиззах тумани "Зебомхон", Ғаллаорол туман "Ғаштак" фольклор-этнографик халқ ансамбллари ўз томоша дастурлари билан иштирок этди.

Байрам иштирокчилари Зомин туманидаги сўлим оромгоҳлар ва диққатга сазовор жойларга ташриф буюрдилар ва туман аҳолиси ҳамда меҳнаткашлари билан ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Мухтасархон КАРИМОВА,
Ҳусан БУРҲОНОВ

МАЪНАВИЯТ

МУАММО ВА ЕЧИМ

"Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади".

Ислом КАРИМОВ

Ёрдамга муҳтож ёдгорлик

Ориф ҲОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Босқинчиларда шафқатсиз фалсафа бўлган: агар бир миллатни муте қилиб, батамом қул қилиб олмоқчи бўлсанг, уни аввало ўз маънавиятидан – илдизидан жудо қил. Сўнгра бошқаравер, ҳукмронлик қилавер. Худди ана шундай ёвузлик оқибатида ер юзидан не-не маданиятлар супурилиб ташланмади, не-не шаҳарлар йўқолиб кетмади дейсиз. Биргина мисол, мўғуллар истилосидан сўнг Афросиёб култепага айланди. Шу боис Самарқанд қайтадан бунёд этилди. Дарҳақиқат, маънавият, унинг бир қисми бўлган тарихий обидалар халқ қудратидан, унинг қодирликларидан гувоҳлик беради. Шу боис буюк Соҳибқирон Амир Темур даврида юрт обод этилди, маънавият чуқур илдиз отди, мамлакат дунё тамаддуни марказига айланди. Исломий, дунёвий фанлар мисли кўрилмаган даражада юксалди. Энг улкан иморатлар ҳам ана шу даврда қад ростлади. Айтиш мумкинки, умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган мамлакатимиз ҳудудидаги тўрт мингдан зиёд моддий – маънавий обидаларнинг катта қисми ана шу даврда яратилган. Ҳа, иморатсозлик, осмонўпар бинолар қуриш халқ иродасини ифода этувчи, қудратини намойиш этувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Жаҳонгир Амир Темур кимки қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иморатларга боқсин, деган эди. Шу боис ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ тарихий обидаларни таъмирлаш, тиклаш, қайта қуришга жиддий эътибор қаратилди. Биргина Самарқанд шаҳридаги Регистон ансамблининг, Гўри Амир мақбарасининг обод этилганлиги, Бибихоним мадрасаси, Шоҳи Зинда мажмуасининг тикланганлиги, Мотрудий ҳазратлари қабри устида ёдгорлик ўрнатилганлиги бунга мисолдир. Эътироф этиш мумкинки, бу қадим шаҳардаги обидалар Амир Темур даврида қандай эътибор топган бўлса, Ўзбекистон мустақилликка эришгач яна ўшандай қадр топди. Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистондаги қутлуғ қадамжоларгина эмас, балки бошқа мамлакатлардаги азизларимиз руҳлари ҳам шод этилди. Тарихий обидалар халқимизнинг буюк ижодкорлигидан, бунёдкорлигидан далолатдир. У каттами, кичикми тарихий қимматга эга бўлса, қадрланиши лозим. Эҳтиёткорлик билан сақланиши, келгуси авлодларга етказилиши керак. Кўпчиликнинг эътиборидан ҳали-ҳамон четда қолиб келаётган, бироқ, маънавиятимизнинг дурдоналаридан ҳисобланадиган ёдгорликлар йирик шаҳарларда ҳам, узоқ қишлоқларда ҳам, тоғлар бағрида, чўл ҳудудларимизда ҳам учраши мумкин. Самарқанд шаҳридаги энг қадимги маҳаллалардан бири "Дари занжир"дир. "Дари занжир" IX асрда пайдо бўлган, XVI-XVII асрларда "Ҳаётихоннинг ҳовлиси" номи билан юритилган, маҳаллий аҳоли хотин-қизларни бегона нигоҳлардан сақлаш мақсадида эшикларни занжирлашни одат қилганлари учун маҳалла "Дари занжир", яъни "Занжирланган эшик" номи билан аталиб кетган.

Абу Тоҳирхожанинг "Самария" китобида ёзилишича "Дари занжир"да мадраса, масжид, ҳовуз, кўплаб савдо дўконлари бўлган. Ана шулардан айримлари ҳамон сақланиб келинмоқда. Ҳовуз, ҳовуз атрофидаги чинорлар, Амир Темур даврида қурилган бино шулар жумласидандир. "Қандия" китобида айтилганидек, нуфузи жиҳатидан Маккадаги Муалла, Мадинадаги Баҳия қабристонларидан кейин учинчи ўринда турувчи Чокардиза қабристони ҳам шу ерда жойлашган. Абу Мансур Мотрудий, Имом Бурхониддин Марғиноний, Абулайс Самарқандий, Абулқосим Самарқандий, Жалолиддин Файзуллох Самарқандий, Махдуми Хоразмий сингари кўплаб буюк зотлар шу ерда дафн этилган.

- Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилда Мотрудий ёдгорлиги мажмуаси қад ростлади, ободончилик ишлари амалга оширилди, - дейди "Дари занжир" маҳалласи раиси Жўрахон Маллахўжаев. - Маҳалламиз идораси ёнида Амир Темур даврида қурилган таъмирга муҳтож бир бино бор. Давр, табиий таъсирлар оқибатида бино девори ёрилган, бир томони чўка бошлаган. Агар у тезроқ ҳимояга олинмаса, таъмирланмаса бой берилиши ҳеч гап эмас. Тарихий аҳамиятга эга бўлган, маҳалланинг узоқ ўтмишидан ҳикоя қилувчи бундай ёдгорликни сақлаб қола олмасак, катта йўқотишга йўл қўйган бўламизки, бизни келгуси авлодлар асло кечирмайди. Жўрахон ака айтганларидек, бундай эътибордан четда қолиб, емирилиб бораётган тарихий бинолар йўқ эмас. Самарқанддаги Ишратхона ана шундай обидалардан биридир. Ушбу бино узоқ йиллардан буён қаровсиз ётибди. Қуёш, қор, ёмғир ва изғиринлар ҳимояга олинмаган, осмонўпар пештоқларни йилдан-йилга емирмоқда. Унинг тарихини тадқиқ этиш, обидани аслига қайтариш негадир ҳеч бир ташкилот ёхуд маҳаллий ташкилот ёдига келмаяпти. Ҳолбуки бундай ҳолатларга туманларда, узоқ-узоқ қишлоқларда ҳам дуч келишимиз мумкин. Қизил империя даврида маънавиятимиз илдизларига болта урилди. Асрлар давомида маданият ўчоғи, архитектура ёдгорлиги бўлиб келган минглаб масжидлар бузиб ташланди. Узоқ эмас, ўтган асрнинг саксонинчи, етмишинчи йилларида ҳам йирик қишлоқларда шарқона услубда, бағоят маҳобатли қилиб қурилган масжидлар бўларди. Масалан, Оқдарё туманидаги улуғ ҳазрат Махдуми Аъзам Даҳбедий мангу қўним топган Даҳбедда ва унинг атрофидаги қишлоқларда ўнлаб масжидлар бўлган. Бугунга келиб ҳазрат бобомизнинг қабрлари ёнида бунёд этилган масжидгина қолган, холос. Ўз тарихига эга бўлган, халқимизнинг ўтмиши билан боғлиқ ноёб архитектура ёдгорлиги бўлган бинолар афсуски туби билан йўқ қилиб юборилди. Яқинда Даҳбедда бўлганимизда яна бир аянчли ҳолатга гувоҳ бўлдик. Махдуми Аъзам Даҳбедий зиёратгоҳи билан ёнма-ён Даҳбед пахта қабул қилиш манзилгоҳига рўбарў, катта қисми бузилиб кетган тарихий бино аранг қад тутиб турибди. Унинг қурилиш услуби, безаклари мадраса ёки масжид бўлганлигидан дарак беради. Ҳимояга олинмаса яқин орада буткул йўқ бўлиб кетиши тайин. Аждодларнинг тарихи билан қизиқувчи ёшларимизга Даҳбеднинг ўтмиши ҳақида берадиган сабоқларимиз шусиз ҳам кемтик бўлиб қолаётир-ку!

Ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо, олтин меросга ҳаммамиз зийрак ва ҳушёр муносабатда бўлишимиз лозим. Баъзан бунга бевосита масъул бўлган идоралар қаёққа қарашяпти, экан деган савол пайдо бўлади. Ахир бу обидалар ер қаърида ёки тупроқ қатида мубҳам эмас-ку?.. Гап эътиборда, эҳтиромда ёки журъат топиб у ҳақда бонг уришда, омма эътиборини жалб этишда. Президентимизнинг 1996 йил 9 сентябрда қабул қилинган "Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 сентябрда қабул қилинган Қарори асосида "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилган эди. "Олтин мерос" бешта, яъни "Ижодкор", "Маданият", "Истеъдод" "Халқаро тинчлик" жамғармалари ҳамда "Ёдгорлик жамияти" ўрнида, уларнинг ҳуқуқий вориси сифатида, жумладан халқимизнинг миллий, маънавий, тарихий бойликларини излаб топиш, тиклаш, асраб – авайлаш йўлида фаолият юритиши лозим. Лекин вилоятлар ва туманларда саноқли ходимларга эга бўлган ушбу жамғарманинг ўзи ёрдамга, қўллаб-қувватлашга муҳтожга ўхшайди. Демоқчимизки, ўтмиш меросимизни топиш, тарихий жиҳатдан ўрганиш, асраб-авайлаш ҳаммамизнинг шарафли вазифамиздир. Буни унитишга асло ҳаққимиз йўқ. Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида таъкидлаб айтган мана бу фикрлар ҳар биримизнинг қалбимизда ҳамиша акс садо бериб туриши лозимдир... "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ".

ТАКЛИФ

Экспонатларга музей керак...

бунинг учун туманда барча ашёлар бор

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни таниб, тарихимизни, аждодларимиз қолдирган маданий меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш ҳамда бундан ғурур ва ифтихор ҳиссини туйиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Республикамизнинг қайси гўшасида бўлманг миллий қадриятларимиз, айниқса, оммавий байрам ва маросимларда тантана қилинаётганининг гувоҳи бўласиз. Яқин ўтмишда биз уларни кўз-кўз қилиш уёқда турсин, номини ҳам айтолмасдик. Эсимда бор, Наврўзни Навбаҳор деб ўзгартиришга мажбур қилганлар, бошқача айтганда миллий анъаналаримизни намойиш қилишга йўл беришмасди. Ҳар бир қадами тарих, тупроғи олтин бўлган заминимизнинг қайси бурчагига борманг, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой маданий меросига рўбарў келасиз, шундай халқнинг фарзанди эканлигингиздан фахрланасиз. Мустақиллик йилларида шаҳар ва буюк алломаларимиз юбилейларини ўтказиш одат тусига кириб қолди.

Жиззах вилоятининг қадимий, ҳамиша навқирон, Буюк ипак йўлининг бир тармоғи бўлган Ғаллаорол тумани ҳақида сўз юритганда юқоридаги фикрни тасдиқлаган бўламиз. Туман ҳудудида ўтказилган қидирув, археологик қазиш тадқиқотлари натижасида туманда нафақат республикамиз, балки бутун дунё маданиятига оид маълумотлар борлиги таҳрих ихлосмандларини қизиқтирди. Хусусан, Ғаллаоролдаги археологик қазув изланишлар антик ва ўрта аср ёдгорликлари мана шу заминда ҳам мавжудлигини исботлайди. X асрнинг араб тилидаги ёзма манбалари, уни тадқиқ қилган тарихчиларнинг маълумотича Ғаллаорол қадимий Уструшона давлати таркибига кирган. Ойдинсойтепа харобаларининг тадқиқоти эса, милоддан аввал шу ҳудудларда шаҳар бўлганини кўрсатади. Милоддан илгари IV-I асрларда суғориш ишлари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг махсус илмий гуруҳи бу ерда қазиш ишлари олиб борганларида қадимий қабрда чалқанча ётган одам склети ва унинг ёнидаги шамширни топдилар. Таниқли олим Э.Ртвеладзенинг фикрича, бу топилма милодий биринчи асрга тааллуқли экан.

Санъатшунос олим М.Булатовнинг айтишича, Шаҳидтепа ёдгорлик комплекси асли 365 та тепаликлардан иборат. Бу ерда астрономик тадқиқодлар олиб борилган, расадхона ҳам бўлган. Йил фаслларининг алмашинуви кузатилган мазкур жойда биринчи табиий-сак каналлари яратилган.

Молгузар тоғи ҳудудларида Такатош номи билан машҳур қоялар бўлиб, унинг ойнадай текис харсангларида ибтидоий давр одамлари томонидан чизилган расмлар бор. Расмларда йирик кўринишда тоғ сардори-така тасвирланган. Унинг атрофида турли ёввойи ҳайвонлар, ибтидоий жамоа одамлари акс эттирилган.

Бу Ғаллаорол нақадар қадимий эканлигига яна бир далил! Лекин ўша даврдаги долғали замон, босқинчилик урушлари бу ҳудудларда гуллаб яшнаган маданиятни ер билан яксон қилган. Бугун биз ўша аждодларимиздан қолган оддий сопол синиқлари, тангалар, ибтидоий буюмлар олдида оғир хаёлларни бошдан кечирамиз. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини ўйлаб фахрланамиз...

Кушонлар даврида Сарбозор қишлоғида қурилган Қўрғонтепа ёдгорлиги қанчадан-қанча тарих тилсимларини яшириб ётибди! Бу шаҳар 10 гектар майдонни эгаллаганини тадқиқодлар кўрсатди. Шаҳарда работлар, карвонсаройлар мавжуд бўлган.

— Соҳибқирон Амир Темур даврида Ғаллаорол Буюк ипак йўлининг ривожига катта ҳисса қўшган. — Туман ҳудудида Соҳибқирон қурдирган қўрғонлар сони 22 тага етган,- дейди самарқандлик олим, тарих фанлари номзоди Мухтор Пардаев. — Бу ерда ободончилик ишлари олиб борилгани, боғу роғлар барпо этилгани, каналлар қазилиб, ҳарбий машқлар ўтказилганини тарихий манбалар тасдиқлайди.

Ғаллаорол тарихи ҳақида кўп ва хўп сўзлаш мумкин. Туман ҳақидаги тарихий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, унинг ўтмишини қўёш заррада акс этгандай эслатиб турувчи осори атиқаларга дуч келамиз. Турк ҳоқонлиги давридан қолган тангалар, Аҳмад ибн Сомоний тангаси, сиғинадиган буюмлар ва бошқа осори атиқалар унинг ўтмишини акс эттиради. Уй-рўзғор буюмлари, сопол идишлар, топилган тангалар, тошдан ишланган урчуқбошилар, остадон хумлар, бурама шохли қўчқор ҳайкалчаси, пишган ғиштлар ўша даврда ҳам Ғаллаоролда миллий маданият гуллаб яшнаганига ишора қилади. Аждодларимиз яратган санъат намуналарининг бир қисми ҳозир ҳам туманда истиқомат қилаётган хонадонларда кўз қорачиғидек сақланмоқда.

— Уйимизда бундан 200-300 йил илгари халқ ҳунармандлари томонидан яратилган уй-рўзғор буюмлари бор,- дейди "Қанчли" қишлоғида яшовчи Акрам Қораев. - У бизга ота-боболардан мерос. Уларни энг қимматли бойлик сифатида асраймиз.

Биз туманда ўтказилаётган Наврўз байрамларида иштирок этганимизда аҳоли қўлида халқимизнинг ҳунармандчилик санъатини ифодаловчи ўнлаб турдаги буюмларни кўрдик. Улар фақат хусусий хонадонларда турибди. Мозийдан мужда бўладиган бу осори атиқаларни туманда муҳташам ўлкашунослик музейи қуриб, меҳмонларга, тарих ихлосмандларига кўз-кўз қилиш кераклиги ҳақида ўй-хаёлларга борамиз. Биз юқорида асрлар эмас, бир неча минг йиллик тарихни ўз бағрида яшириб ётган туманда археологик изланишлар туфайли топилган осори атиқалар ҳақида гапирдик. Шундай улкан ва узоқ тарихга эга бўлган туманда ақалли мўъжазроқ бир ўлкашунослик музейининг йўқлиги ғаллароллик зиёлиларни ажаблантирмоқда.

— Туманда ўтган асрнинг охирида «Шон-шуҳрат» музейи қурилган. Унга ўлкашуносликка оид экспонатлар ҳам мажбуран жойлаштирилган. Музей жуда тор, барча экспонатларни жойлаштиришга имкон йўқ. Қолаверса мутахассис ҳам етишмайди. Агар туманда алоҳида ўлкашунослик музейи қурилса яхши бўларди,- дейди туман «Шон-шуҳрат» музейи ходими Диёра Қаршиева.

Ўйлаймизки, мазкур масалани ҳал этишга туман мутасаддилари, тегишли ташкилотлар алоҳида эътибор беришади.

Эсимда бор, Наврўзни Навбаҳор деб ўзгартиришга мажбур қилганлар, бошқача айтганда миллий анъаналаримизни намойиш қилишга йўл беришмасди. Ҳар бир қадами тарих, тупроғи олтин бўлган заминимизнинг қайси бурчагига борманг, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой маданий меросига рўбарў келасиз, шундай халқнинг фарзанди эканлигингиздан фахрланасиз. Мустақиллик йилларида шаҳар ва буюк алломаларимиз юбилейларини ўтказиш одат тусига кириб қолди.

ЖАРАЁН

ТАДОРИК

Ёнғин хавфсизлиги

уни таъминлаш ва байрамларни тинч-осойишта ўтказиш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда

Бугунги кунда ҳамюртларимиз жонажон юртимизнинг улуғ айёмини, истиқлолимизнинг 18 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ ходимлари ҳам улуғ байрам олдидан туман ҳудудида осойишталикни сақлаш билан бир қаторда, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишган. Бунда асосан фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя этишлари, газ ҳамда электр токидан фойдаланганда эҳтиёткор бўлишлари уқтирилмоқда.

Ҳозир пойтахтимизнинг қайси жойида бўлманг, мустақиллик билан бирга Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамларига тайёргарлик ишлари қизғин давом этаётганига гувоҳ бўласиз. Яккасарой туман ИИБ ЁХБ ходимлари ҳам азим пойтахтимизнинг юбилейига муносиб ҳозирлик кўриш мақсадида турли корхона ва ташкилотларда бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қай даражада талабга жавоб беришини текширувдан ўтказишмоқда. Шунингдек, йўл ёқасида ноқонуний қурилган бинолар аниқланиб, уни ўз вақтида бартараф этиш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Айни пайтда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида байрамолди тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Боғнинг ён-атрофида жойлашган масканлар ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Боғ маъмурияти билан ёнғин хавфсизлиги борасида йўриқномалар ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад байрам кунларида фуқароларимизнинг янада кўтаринки руҳда дам олишларини таъминлашдан иборат. Зеро, истиқлолга эришган кун юртимизнинг энг қутлуғ куни экан, мустақиллик байрамининг тинч ва осойишта ўтиши борасидаги ишлар бардавом бўлаверади.

Даврон Қодиров,
Яккасарой тумани ёнғин хавфсизлиги инспектори

ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бойсун туман кенгаши тасарруфидаги Ўқув спорт-техника клубида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Баҳамжиҳатликда

ишлаш ютуқларнинг асосий омилига айланмоқда

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мазкур Ўқув спорт-техника клубида ўсиб келаётган ёшларни ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда аҳолининг барча қатламларини кенг оммавий спортга жалб қилиш каби ибратли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, жорий йилда бу ерда талайгина тадбирлар амалга оширилди. "Ватан ҳимоячилари" кунига бағишлаб тумандаги касб-ҳунар коллежлари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий кўпкураш спорт мусобақаси ўтказилгани ҳам бунинг тасдиғи. Шунингдек, 9-май "Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан спортнинг "Ракета модель" тури бўйича вилоят биринчилиги Бойсун туманидаги Ўқув спорт-техника клубида бўлиб, ғолиблар ташкилотнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломлар соҳиби бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, Ўқув спорт-техника клуби тумандаги бир қатор ўқув масканлари, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ҳозирги вақтда ташкилотда 4 та спорт секцияси фаолият олиб бораяпти. "Ҳаво милтиғидан ўқ отиш", "Ракета модель", "Авиамодель" ва "Автокўпкураш" йўналишларида 48 нафар ўқувчи-ёшлар мунтазам қатнашмоқда.

Энг асосийси Ўқув спорт-техника клубида турли тоифадаги автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари билан йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги фанидан 30 соатлик машғулот дастурга мувофиқ олиб борилади ва уларга махсус гувоҳномалар берилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2008 йилда ташкилот ҳайдовчи мутахассислар тайёрлаш борасида режани 221 фоизга бажарган. "В", "ВС" тоифалари бўйича 376 дона ҳайдовчилик гувоҳномаси ўз эгаларига топширилди. Пуллик хизмат асосида фаолият юритаётган корхона ўтган йили 58 млн. 336 минг сўмлик даромадни қўлга киритди. Шундан 6 млн. 131 минг сўмлик маблағ ташкилотнинг соф фойдаси ҳисобланади. Даромадлар эвазига кейинги икки йил давомида ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қолаверса ўқувчиларнинг замонавий техникалар ёрдамида амалий машғулотлар ўтказиши мақсадида иккита "MATIZ" русумли енгил автомашина сотиб олинди. Бундан ташқари ташкилот тасарруфидаги мавжуд 6 та турли русумдаги автомашиналар тўлиқ таъмирланди.

Шунингдек, тумандаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, вояга етмаган спортчилар ҳам ташкилот эътиборидан четда қолгани йўқ. Ана шу мақсадда 650 минг сўмлик моддий ёрдам берилган.

Жорий йилда эса бу кўрсаткичлар янада мустаҳкамланаяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, шу йилнинг 6 ойида ҳайдовчи мутахассислар тайёрлаш бўйича режа 94 фоизга бажарилиб, 29 млн. 392 минг сўмлик маблағ қўлга киритилиб, 160 та турли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ўз эгаларига топширилди.

- Жамоамизда ўз касбининг чинакам жонкуярлари жуда кўп. Самарали меҳнат қилаётган ўқитувчилардан Худойберди Нормуродов, Даврон Руҳиддинов, мураббийлардан Камол Раҳимов, Шуҳрат Нормуродов ва бошқалар хизматидан бугун кўпчилик мамнун. Ишчи-ходимларимизнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ҳам асосий муддаоларимиздан бири. Ташкилотимизнинг ана шундай натижаларга эришиши учун бевосита Бойсун туман мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" кенгашимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Кенгаш раиси Норқобил Ҳамроевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли партиянинг бошланғич ташкилотларидан аъзолик бадаллари ўз вақтида туширилянти,- дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бойсун туман кенгаши тасарруфидаги Ўқув спорт-техника клуби директори Жалол Руҳиддинов.

Эътиборлиси, ҳар бир байрам ва улуғ саналар ташкилотда алоҳида хурсандчилик билан нишонланади. Ишчи-ходимларга байрам дастурхонини ташкил қилиш, уларга совға-салом улашиш одат тусини олган. Яна бир жиҳати ходимлар иши ва меҳнатига қараб муносиб тақдирланишмоқда. Энг муҳими, жамоанинг аҳил бўлиб ягона мақсад сари интилиши қўлга киритилаётган ютуқларнинг асосий омилига айланмоқда.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Фирибгарлар фош бўлди

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Бектемир туманида ўтказилган тезкор тадбирда Фарғона вилоятида рўйхатдан ўтган "Bicycle buisness" МЧЖ раҳбари А.Маҳмудов шериклари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини қўпол равишда бузганлиги аниқланди. Жумладан, ҳуқуқбузарлар қонунга зид равишда А.Маткаримов бошқарувидаги "КаМаз" юк машинасида ҳужжатларни қалбакилаштириб, 8 турдаги 850 дона умумий қиймати 51 миллион сўмлик енгил автомобиль шиналарини Сергели туманидаги "Авто-макон" савдо мажмуасида сотиш учун олиб кетаётганида қўлга олинди. Шунингдек, Республика синов-сертификатлаштириш маркази қошидаги сертификатлаш идораси мутахассисининг далолатномасига кўра, 745 дона автошинанинг сертификатлари бошқа шиналарга тегишли экани аниқланди.

Мазкур иш юзасидан қонунбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Ойбек ГАИПОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси СОЖАБЭОО бўлим бошлиғи ўринбосари

* * *

Департамент ходимларининг "Energo-avtomatika" МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказган текшируви натижасида корхона "Стандарт кредит строй" МЧЖ билан шартнома тузиб, 5.616.200 сўмни нақдлаштириш ҳамда 10 фоизлик – 561.600 сўм миқдордаги ягона солиқ тўловини тўламаслик мақсадида сохта далолатнома тузгани аниқланди.

Бу ҳам етмаганидек, корхона раҳбари бир неча корхоналарга хизмат кўрсатиб, бюджетга тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қочиш мақсадида ҳужжатларда бажарилган ишларнинг асосий қисмини субпудрат корхоналар бажарган деб ҳужжатларни қалбакилаштирган.

Шу тариқа корхона ноқонуний даромад олиш мақсадида 2 йил давомидаги ҳисоботларда солиқ солиш объектини кўрсатмаслик йўли билан жами 27 миллиондан ортиқ солиқни яширib, давлат бюджетига зарар етказган.

Элмурод КАМОЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Ҳужжатли текширишлар бўлими катта тафтишчиси

* * *

Муқаддам судланиб, қилмишига яраша жазо олган ва амнистия натижасида озодликка чиққан Расул Раупов яна жиноятга қўл урди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман бўлими ходимлари томонидан ушбу туманнинг Қорасарой кўчаси 334-уйида ўтказилган текширув натижасида тадбиркор Расул Раупов уйидан яширин цех очиб, қонунга зид тарзда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқараётгани аниқланди.

Раупов цехида ишлаб чиқарган макарон маҳсулотлари туман ДСЭНМ экспертиза маълумотига кўра истеъмолга яроқсиз деб топилди.

Тезкор текширув жараёнида Рауповга тегишли цехдан жами 7 миллион сўмга баҳоланган турли истеъмол маҳсулотлари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуна воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Рауповнинг ўзи эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси, 1-қисми билан айбдор деб топилиб, энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жарима билан жазоланди.

Агзам МАРДИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман бўлими бошлиғи

* * *

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан "Metal gaz" ҳамда "Fabit servis" масъулияти чекланган жамиятлари текширилганда МЧЖ раҳбари А.Абдушукуров ўз мансабидан фойдаланиб, давомли равишда ҳужжатларни қалбакилаштириб келгани маълум бўлди. Жумладан, ушбу икки корхонанинг молиявий фаолияти юзасидан ўтказилган текширувда "Metal gaz" МЧЖ раҳбари А.Абдушукуров "Fabit servis" МЧЖ раҳбари Б.Азимов билан ўзаро тил бириктирган ҳолда сохта шартнома имзолаб, аслида мавжуд бўлмаган 700 минг сўмлик шлакаблок ва 7,3 миллион сўмлик ГПРга бутловчи қисмлар етказиб берилгани ҳақида юк хати тузишган. Суриштирув жараёнида А.Абдушукуров "Fabit servis" МЧЖ раҳбари Б.Азимовга ҳужжатда кўрсатилган ТМБлар учун "Fabit servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 8 миллион сўм ўтказиб берганлиги, ундан ташқари 6,4 миллион сўм нақд пул берганлиги, аммо бу пуллар ўзлаштирилиб, банк ҳисобига ўтказилмагани аниқланди.

Ўктам ПИРМАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Бош суриштирувчиси

ҲУҚУҚ

Фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаатлари айнан инсон ҳуқуқлари устуворлиги, ҳар бир шахснинг давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги конституциявий принципларни амалга оширишни кафолатлашга қаратилган.

Фуқаро мурожаати

ёхуд уни кўриб чиқиш асослари хусусида

Отабек УРУНОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи Бош қомусимизнинг 35-моддасида мустаҳкамланиб, унга кўра ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоа тарзида давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир, дейилган.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида 16 та қонун, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 20 дан ортиқ қарори ҳамда 10 га яқин меъёрий норматив ҳужжат қабул қилинган.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этишга оид конституциявий қоидани амалга оширишни таъминловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, давлат органларининг аҳолининг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Мазкур Қонун фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишга оид қоидаларни мустаҳкамлайди. Ушбу Қонуннинг амал қилиш доираси юқорида назарда тутилган субъектлар билан чекланмайди, балки Конституция ва қонунларнинг устуворлиги тамойилидан келиб чиққан ҳолда жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона, муассаса, ташкилотлар учун ҳам амал қиладиган умумий қоидаларни белгилайди.

Қонунда белгиланган тартиб асосида мурожаат этиш ҳуқуқидан Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқаролар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга ҳамда қонун олдида тенг ҳисобланиб, улар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш таъқиқланади. Фуқароларнинг оғзаки мурожаати унинг ёзма тарздаги мурожаати билан бир хил аҳамиятга, яъни мақомга эга. Мурожаат қилишда оғзаки ёки ёзма шаклини ўзгартириш бўйича талаб қўйилиши мумкин эмас.

Мурожаатни кўриб чиққан давлат органи ва унинг мансабдор шахси учун эса ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ёзма шаклда жавоб бериш мажбурияти белгиланган.

Фуқароларнинг мурожаатлари давлат органларида белгиланган тартибда умумлаштирилиб, таҳлил этиб борилиши муҳимдир. Зеро, мурожаатларнинг таҳлили фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, амалиётда такрорий мурожаатлар кўпайишининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида фуқаролар мурожаатларининг ваколатли давлат органлари томонидан ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши ҳамда улар юзасидан қонуний қарорларнинг қабул қилиниши — инсон ҳуқуқларини таъминлаш асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

ОБУНА—2010

Одатдагидан икки ой олдин бошланди

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Яқинда Миллий матбуот марказида даврий нашрлар учун 2010 йилги обуна кампаниясининг бошланғани муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари, Ўзбекистон бозорида даврий нашрларни тарқатиш билан шуғулланувчи икки йирик компания "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти раҳбарлари ҳамда газета ва журналлар таҳририятлари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори С.Нажбиддинов ва "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти бош директори Р.Қосимов 2009 йил 20 июлдан "Матбуот тарқатувчи" АКнинг барча бўлимлари ҳамда матбуот дўконлари ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг почта алоқа бўлимлари ҳамда обунани қабул қилиш шаҳобчаларида даврий нашрларга 2010 йил учун обуна кампанияси бошланганини маълум қилдилар.

Обуна кампанияси мазкур компанияларнинг турли номдаги газета-журналлар киритилган каталоглари асосида амалга оширилади. Таъкидланганидек, ушбу каталоглардан фойдаланувчилар эътиборига 400 дан ортиқ номдаги газета ва журнал, китоблар, солиқ ҳамда бухгалтерия бўйича қўлланмалар тақдим этилади.

- Муштарийлар сонини кўпайтириш ва уларнинг талабини қондириш ҳамда қулайликлар яратиш мақсадида кейинги йил учун обуна кампаниясини ўтган йиллардан фарқли равишда икки ой олдин бошладик, - деди "Матбуот тарқатувчи" АК етакчи мутахассиси Мавжуда Одилова. - Аҳамиятли томони шундаки, компаниямиз даврий матбуот нашрларини марказлашган тарзда ташиш, тарқатиш ва вилоятларга етказиб бериш бўйича ўз устамаларини ўтган йил миқдорида сақлаб қолди. Бундан ташқари чекка қишлоқлар аҳолисини газета ва журналлар билан таъминлаш мақсадида жойларда матбуот пунктлари очишни режалаштирганмиз.

Тадбирда таъкидланганидек, обуна каталогларида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик республика газеталари ва болалар учун мўлжалланган даврий нашрларга имтиёзлар қўлланилган. Бундан кўзланган мақсад ушбу нашрлар нархини арзонлаштириш ҳамда муштарийлар сонини кўпайтиришдир. Шунингдек, фаол обуначилар ва жамоатчилик асосида даврий нашрлар тарқатувчиларни моддий рағбатлантириш тизими ҳам ишлаб чиқилган.

Анжуманда тадбир иштирокчилари келгуси йил обунаси борасида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

ИМКОНИЯТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асаридан келиб чиқадиган асосий хулосалар, инқирознинг сабаб ва оқибатлари ҳамда уни мамлакатимиз шароитида юмшатишга қаратилган комплекс тадбирлар солиқ тизимида ҳам атрофлича ўрганилмоқда. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни қамраб, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашувига олиб келди.

Барчамиз масъулмиз

Инқирознинг олдини олиш ва таъсирини юмшатишда Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини муттасил юксалтириб бориш йўлида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жуда қўл келаяпти. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели айниқса бугунги мураккаб вазиятда ўзини яна бир карра оқлади. Буни айни пайтда бутун жаҳон эътироф этмоқда. Китобда инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг мамлакатимиз иқтисодига таъсирини бартараф этиш йўллари белгилаб берилган. Шу боис бу асарнинг мазмун моҳиятини аҳолига, кенг жамоатчиликка, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш соҳалари, товар ишлаб чиқарувчиларга етказиш асосий ишларимиздан бири ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда инқирозга қарши кураш чоралар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилаётир. Бунда банк тизимини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий юқори технологияларни кенг татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий-маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатда озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидентларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил мобайнида солиқ тўлашмайди. Бу борада туманимизда фаолият юритаётган барча корхоналарда ўқув-семинарлари ташкил этилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш учун учрашувлар ўтказилиб, тадбиркор ва фермерларнинг таклифлари ўрганилди. Бунинг натижасида кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалар белгиланиб, бизнес лойиҳалар ҳужжатларининг экспертиза қийматини камайтириш, кичик бизнес учун экологик экспертизани соддалаштирилган тартибини жорий этишга эришилди. Энг асосий вазифа Президентимиз асарида таъкидланганидек, вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун фақат ёрдам қўлини чўзиш, кўмак беришга қаратилган.

Зафар НОРҚЎЗИЕВ,
Жомбой тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Музликларнинг эриши

Европа давлатлари чегараларининг қисқаришига олиб келмоқда

Ҳозир инсониятнинг табиатга таъсири кескин ошиб бормоқда. Техника тараққиётининг жадал ривожланиши ва табиий ресурсларнинг шафқатсизларча эксплуатация қилиниши, йилдан-йилга кўпайиб бораётган йирик иқтисодий корхоналар томонидан атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар сайёрамиз миқёсида кескин иқлим ўзгаришлари — азон қатламининг емирилиши, тоза ичимлик сувининг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, сайёрамиз бўйлаб кузатилаётган сув тошқинлари, ҳавонинг кескин исиши, сел ва қаттиқ бўронларнинг кўпайишига сабаб ҳам шундан.





Бутун дунёнинг хавотирига сабаб бўлаётган глобал иқлим ўзгариши оқибатлари, айниқса, Европа ғарбида яққол сезилмоқда. 2003 йилдан бошлаб шимолий Италияда ҳарорат бошқа минтақаларга нисбатан тез суръатда кўтарилиб бораётгани чегаралардаги музларнинг эришига олиб келмоқда. Шу йилнинг май ойидаги ҳарорат ўтган 250 йилдаги энг иссиқ давр бўлди. Бу эса Италия ва Швейцариянинг музликлардан иборат чегараларининг қисқаришига олиб келмоқда. Минтақадаги бошқа алпинист давлатлар – Швейцария, Австрия ва Франция ҳам аллақачон эриб бўлган чегараларни кўриб чиқаётир. Кузатувчиларнинг айтишича, иқлим ўзгариши туфайли минтақада ўпирилишлар, дарёларнинг ўз йўналишини ўзгартираётгани, қоялар қулаши оқибатида янги шаршаралар пайдо бўлмоқда. Иқлимнинг "янги либос" кийиши ландшафтларнинг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда ва бу билан ҳисоблашмай бўлмайди.

Июль-август – Бангладешда ёмғирлар мавсуми. Айни пайтда минтақада кузатилаётган тинимсиз ёмғирлар шундоқ ҳам қашшоқликда кун кечираётган миллионлаб одамларни бошпанасиз қолдирмоқда. БМТ ва бошқа тегишли ташкилотлар кучли тошқин ва бўронлар асирига айланган аҳолига кийим-кечак ва озиқ-овқатлар етказиб беришмоқда. Франция, Испанияда эса ҳаво ҳарорати қарийб +45-50 градусгача кўтарилган. Европанинг жанубий ҳудудлари Хорватия, Италия пойтахти Рим ва Венецияда ёққан тинимсиз ёмғирлар бир неча шаҳарларни вайрон қилган. Ғарбий-шимолий минтақаларда эса қор ёққани ҳақида хабарлар тарқатилган. Хўш, Евроосиё минтақасида бир вақтда содир бўлаётган бундай ҳолат нимани англатади? Мутахассислар сайёрамиздаги иқлим ўзгаришининг оқибатлари ва уни бартараф этиш чоралари ҳақида қандай хулосалар билдиришмоқда?

Олимлар минтақаларда содир бўлаётган ёнғинлар (масалан, ҳозир Испания, Италия, Франциянинг бир неча ҳудудларида кучли ёнғинлар кузатилмоқда) иқлим ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатаётганини билдиришган. Аниқланишича, ўрмонларнинг ёниши оқибатида атмосферага чиқаётган карбонод кислотаси саноат чиқиндиларининг 50 фоизини ташкил этади. Бунда осмонга чиқаётган ёнғин тутунлари атмосферанинг юқори қатламларини катта ҳажмдаги куйинди зарралари билан тўйинтиради. У эса қуёш нурида қизиб, атрофдаги ҳавони қиздиради. Бу табиат флорасининг бузилиши, атмосферадаги парник газларга жиддий таъсир этмай қолмайди. Бу борада иқтисодчи олим Николас Стерннинг фикри шундай:

- Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари биз ўйлагандан ҳам жиддий тус олаётганини билишимиз муҳим. Агар биз ишланган газларни ҳавога чиқаришни камайтирмас эканмиз, шу асрнинг охирига бориб сайёрамизда ўртача ҳарорат 5 градусга кўтарилади. Бу катта хавф.

Кэмбридж университети тадқиқотчиларининг фикрича, глобал ўзгаришлар Европа давлатлари об-ҳавосининг совушига олиб келади. Британиялик олимларнинг айтишича, парадокснинг сабаби шундаки, исиш жараёнининг бошланиши ва музликларнинг эриши Европанинг асосий қувват манбаи ҳисобланган иссиқ Гольфстрим оқими ишини таъминловчи механизмни секинлаштиради. Тадқиқот гуруҳи кузатишларига кўра, Гренляндия қирғоқларида ҳавзалар юзасидаги совуқ сувларнинг иссиқ сувлар билан алмашиниш жараёни сўнгги йилларда чорак баробар қисқарган. Ваҳоланки, мазкур сув қатламларининг алмашинуви Гольфстримнинг двигателларидан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, жараённинг секинлашуви яқин бир неча йил ичида Европага ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. "Қўҳна қитъа" олдида яна бир жиддий синов турибди: агар сайёрамиздаги океанлар сувлари аввалгидек кўтарилишда давом этса, 50-60 йилдан сўнг қуруқликларнинг бир қисми сув остида қолиши мумкин.

БМТ ва Халқаро метеорологик ташкилот томонидан Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг маълумотича, сўнгги 40 йилда океанлардаги ҳароратнинг ортиши кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда. Агар глобал исиш натижасида қуруқликдаги музликлар эриши давом этса, 2100 йилга бориб океанлардаги сув сатҳи кўпи билан 59 сантиметрга кўтарилади. Кузатувчилар Гренляндия ва Антарктидадаги муз қояларнинг йўқолиб бораётгани энг катта хавф эканини таъкидлашмоқда.

Яқинда норвегиялик тадқиқотчи Боэрдж Осленд Арктика минтақасида бўлиб қайтган ва минтақада кузатилган энг сўнгги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тарқатган. Унга кўра, ҳудудда музликлар қалинлиги 60 см.дан то 3,5 метрни ташкил этган. Бу эса музликлар қарийб икки баробар қисқарганлигини билдиради. Умуман олганда, ўтган салкам 35 йил давомида Арктикадаги майдонлар 6 фоизга чекингани аниқланган. Музликлар маконида ҳаво ҳарорати бутун дунё билан солиштирганда 2 баробар тезроқ исимоқда. Дунёнинг 250 нафар етакчи тадқиқотчилари ўз изланишлари натижаси бўйича 2070 йилда Шимолий муз океанининг каттагина қисми эриб битишини ва ёзда у ерда бемалол сузиш мумкинлигини маълум қилишди.

Бутунжаҳон метеорология ташкилоти раҳбари Мишель Жарронинг фикрича, ўтган 100 йил давомида дунё бўйича ҳаво ҳарорати 0,6 градусга кўтарилган. Сайёрамиздаги исиш кейинги 100 йилда ҳам давом этиб, ҳарорат ўртача 1,2дан 1,4 градусгача ошиши борасида тахминлар бор. "Бу ўртача глобал исиш. Шуни унутмаслик керакки, бу кўрсаткич қуруқлик учун кўп, океан учун эса кам", - дейди Жарро.

Кўпчилик мутахассислар сингари жаноб Жарро ҳам бугунги кунда сайёрамизда кузатилаётган иссиқликка инсон фаолияти сабабчи эканлигини таъкидлаган. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти раҳбарининг фикрича, ўтган бир аср давомида ёққан ёмғирлар 5-10 фоизга ортган. "Ёмғирларнинг кўпайиши айрим ҳудудларда тошқинлар, бўрон ва бошқа табиий офатларнинг кўпайишига олиб келади. Агар ёмғирлар ёғиши кўпая борса, ўрта ва юқори кенгликларда табиий офатларнинг кўпайиши кузатилади".

Иқлим ўзгариши аср муаммоси эканлигини яқинда Италиянинг Аквила шаҳрида ўтказилган "Катта саккизлик" саммити ҳам кўрсатди. Унда томонлар иқлим ўзгариши ва зарарли газларни атмосферага чиқаришни камайтириш борасида тарихий муросага келишган. Унда ривожланган давлатлар ҳароратнинг икки даражага кўтарилишининг аҳамиятини англаб етиб, 2050 йилгача зарарли газларнинг атмосферага чиқишини 80 фоизга қисқартиришга аҳдлашди. Маълумки, глобал иқлим ўзгарищига бағишланган йилнинг энг йирик халқаро анжумани Дания пойтахти Копенгагенда ўтказилиши мўлжалланган. Яқинда бу ерда мазкур тайёргарлик олдидан илмий конгресс ўтказилди ва унда мутахассислар шундай хулосага келишди: глобал исиш аввалгига нисбатан юқори суратда ўсиб бормоқда. Шунга мувофиқ агар сайёрамизда ўртача ҳарорат 7 градусга ошса, Ер ҳудудининг тенг ярми ҳаёт учун яроқсиз бўлиб қолади.

Ўз навбатида россиялик бир гуруҳ олимлар ҳам иқлим ўзгариши борасида шундай фикрни илгари суришган: ўтган 10 йилда ҳавонинг ўртача ҳарорати 0,4 дан 0,6 даражага кўтарилган. Оқибатда Арктика ва Антарктида музликлари эриб, океан сатҳи 10-25 сантиметрга кўтарилган. Марказий Осиё ва Осиё минтақаларида ёғингарчилик кўпайиб, ўз навбатида қурғоқчилик ва сахроланиш ҳам кучайган. Расмий Вашингтон эълон қилган ҳисоботга кўра, Қўшма Штатларда иқлим ўзгаришининг оқибатлари жиддий тарзда ёмонлашиб бормоқда. Унга кўра, ёғинлар қўлами, ҳаво ҳарорати ва денгизлар сатҳи ошгани ҳамда музликлар чекиниб, дарёлар оқими ўзгараётгани айтилади.

Мана, башарият учинчи мингйиллик билан ҳамнафас яшамоқда. Она заминимиз эса унга хизмат қилишдан тўхтагани йўқ. Инсоният эса аввалги замонлардан буён табиатни "забт этар" экан, ҳозир ҳам талаб ва эҳтиёжини жиловлай олганича йўқ. Мутахассислар иқлим ўзгаришининг энг асосий сабаби инсон фаолияти билан боғлиқ эканлиги ва бу омил ўтган 100 йилда 60-70 фоиз кўрсаткичга етаётгани ҳақидаги маълумот ҳам сўзимиз исботидир. Афсуслананарли жиҳати шундаки, бунинг оқибатларидан яна инсониятнинг ўзи азият чекади. Демак, бани башар олдида турган муҳим вазифа – бу бизни ўраб турган табиатга нисбатан эҳтиёжни камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этишга кўмаклашишдир.

Олимлар томонидан олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларда аниқланишича, қуёш нурларининг Ерга тушиш изчиллиги 1950-йилларга нисбатан 22 фоизга пасайган. Хусусан, қуёш энергияси даражаси Европада 8, Америкада 10, Россияда эса 30 фоизга камайган. Кузатувларга кўра, қуёш энергияси таъсирида рўй берадиган сувнинг буғланиши ҳам сезиларли пасайган. Бундан хулоса шуки, ёқилғининг ёниши нафақат "парник эффект"га, балки атмосферага турли хил газлар билан бирга катта миқдорда қурум зарралари ва бошқа ифлослантирувчи моддаларни ҳам чиқармоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

ЖАРда тартибсизлик

Жанубий Африка Республикасида тартибсизликлар давом этмоқда.

"Euronews" телеканали тарқатган хабарларга қараганда, мамлакатда бир неча кундан буён аҳоли ва полициячилар ўртасида жиддий тўқнашувлар кузатилмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, қарийб 25 нафар одам қўлга олинган, ҳалок бўлганлар ҳақида хабарлар тарқатилмаган. Намойишчилар ҳукуматдан ойлик-маошларни 15 фоизга оширишни талаб қилишмоқда. Ҳукумат эса тартибсизлар борасида ўз муносабатини билдирганича йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда ушбу давлат оғир иқтисодий пасайишни бошидан кечираяпти. Молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида ЖАРда инфляция тобора ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Кампания фойда бермоқда

Британияликлар пластик қопчалардан камроқ фойдаланишмоқда.

Бу ерда пластик пакетлардан фойдаланишни қисқартишга қаратилган кампания ўз самарасини берди. Ҳозир мамлакатдаги йирик супермаркет ва магазинлар келгуси 3 йилда амалда фойдаланилаётган пластик қопчаларни тенг ярмига қисқартиришга келишиб олишган. Қиролликда бундай тадбир ўтган уч йилда икки баробар – ойига 870 дан то 450 миллион донага камайган. Экологик ташкилотларининг фикрича, бир марта ишлатиладиган пластик қопчалар 400 дан 1000 йилгача "яшаши" мумкин ва бу табиат учун катта зарар келтиради.

Икки баробар ошган

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида дунё бўйича кемаларга қароқчиларнинг хужуми 2008 йилга нисбатан 2 баробарга ошган.

Халқаро денгиз ташкилоти тарқатган маълумотларга кўра, ўтган 6 ой давомида "денгиз овчилари" 78 та кемани қўлга олишга ҳаракат қилишган, 75 сув транспорти ўққа тутилиб, 31 таси асир олинган. Айни пайтда қароқчилар 560 нафардан зиёд йўловчини гаровда ушлаб туришибди, қарийб 20 киши жароҳатланган, шунингдек, ҳалок бўлган, дом-дараксиз йўқолганлар ҳам бор. Кузатувчиларнинг фикрича, қароқчиларнинг энг фаол нуқтаси Самоли қирғоқлари ва Оден кўрфази саналади.

Интернет хабарлари асосида Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Жанубий Американинг Перу давлати ҳудудида энг текис жойлашган, узунлиги 60 км., эни 2 км. бўлган Наска чўли ғаройиб чизиқ, геометрик шакл ҳамда ажойиб суратлардан таркиб топган. Тарихшуносларнинг таъкидлашича, бу мўъжизавий макон эрамиздан аввалги 200-600 йилларда яшаган Наска халқига тааллуқли. Энг ажабланарлиси, қадимгилар бундай мураккаб геометрик шаклларни қандай чизишган?





Сауаши шаҳрининг сири

ёки Наска чўлининг ғаройиботлари

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Мутахассислар, бугунги кунда Наска чўлида 800 дан ортиқ ҳайвон ва ўсимликлар сурати мавжуд дейишмоқда. Масалан, у ерда узунлиги 20 метр бўлган лама, 180 метрли калтакесак, ўнга яқин 250 метрли маймун, қуш ҳамда бўйи 620 метр бўлган одам сурати чизилган. Ҳатто, ушбу чўлда фақатгина Амазонкада яшайдиган ўргимчакнинг сурати ҳам тасвирланган. Ҳайратланарлиси, ўша даврда микроскопсиз 6 мм. келадиган ўргимчак танасининг ҳар бир қисмини аниқ-тиниқ қилиб, жуда катта ҳажмда чизилишига қандай эришилган ва бундай мўъжизаларни кимлар яратган, деган савол ҳануз жумбоқлигича қолмоқда.

Археолог Жузеппе Орефичи бугунги кунда Наска чўли бўйича энг яхши мутахассис ҳисобланади. Мана ўн етти йилдан буён Жузеппе ҳар йили олти ойдан ортиқ вақтини қадимги Сауаши шаҳрида ўтказади. Тўғрироғи, у қачонлардир Наска чўлида қад ростлаган ривожланган шаҳарнинг тақдири ва тарихини ўрганиб, қадимги цивилизация билан геометрик шаклларнинг ўртасидаги боғлиқликни ахтаради. Жузеппенинг таъкидлашича, қазишма ишлари чоғида аниқланган бир қанча топилмалар Сауаши шаҳрининг сирига ойдинлик кирита оларкан. Маълумотларга қараганда, Сауаши шаҳри қадимда Наска чўли цивилизациясининг марказий ери ҳисобланган. Археологлар у ердан бир қанча баҳайбат пирамида, бино, ҳатто булоқлардан ўтказилган сув қувурларини аниқлашган. Шунингдек, қадимги мақбара ҳам топилиб, унда қадимги наска халқининг урф-одатларини намоён этувчи икки минг йиллик тарихга эга бўлган буюм, қадимги "пальто", "қўғирчоқ"лар топилган. Мутахассислар "қўғирчоқ"ларнинг асл кўриниши йўқолмай, бўёқлари сақланганини кўриб, улар худди кечагина бўялганга ўхшайди, дейишган. Тўғри, Наска чўлининг иқлими ниҳоятда қуруқ бўлгани боис, улар дастлабки кўринишини йўқотган бўлиши мумкин. Бироқ, қадимда бу даражада тиниқ, рангдор ва сифатли бўёқлар бўлгани одамни ҳайратга солади.

Жузеппенинг таъкидлашича, Сауаши шаҳрининг энг ривожланган, "олтин асри" эрамиздан аввалги учинчи минг йилликка тўғри келаркан. Айтгандек, Наска чўлидаги ажойиб геометрик чизиқ ва суратларнинг яратилиш тарихи ҳам ана шу даврга тўғри келмоқда. Бироқ, IV аср бошларида Наска ҳудудида зилзила ва сув тошқини рўй бериши оқибатида шаҳар қум остида қолиб, вайронага айланади. Шундан сўнг, маҳаллий аҳоли ўз ҳудосига ишончини йўқотиб, мўъжизавий суратларни чизмай қўяди. Археолог Жузеппе маҳаллий ҳиндулар билан мулоқотда бўлиб, бу ажойиб чизмаларнинг олдин кичик нусхаси чизилиб, кейин у математик ҳисоб бўйича катталаштирилганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлди.

Олимлар компьютер графикаси ёрдамида қадимги шаҳарнинг асл қиёфасини яратишга ҳаракат қилиб, буни уддалашди. Мутахассислар шаҳарнинг қоқ марказида баҳайбат пирамида ва биноларнинг жойлашишига қараб, бундай шаҳарни бунёд этиш учун кучли геометрия ва математик билимга эга бўлиш керак, деган назарияни илгари суришмоқда. Дарҳақиқат, халқаро тадқиқотчилар гуруҳи, қадимда ушбу чўлда ўзгача ривожланган ҳиндулар цивилизацияси бўлган, деган хулосага келишган..

Дарвоқе, яна бир фикр. Швейцариялик олим Эрих фон Деникен бу водийдан қадимда ўзга сайёраликлар аэродром сифатида фойдаланишган. Наска халқи эса улар билан ўзаро мулоқотда бўлиб, билимларини кенгайтиришган, деган тахминни илгари сурган. Немис математиги Мария Рейх унга тамоман қарши чиқиб, бу водий қўниш майдони бўлолмаслигини исботлади. Марияннинг фикрича, ушбу шакл ва суратлар ўша даврнинг астрономик тақвими бўлиши мумкин. Тасаввур этинг, тош асрида астрономик расадхона-я? Бироқ ушбу суратлар нима учун катта ҳажмда тасвирлангани ҳалигача номаълум. Бу манзарани фақат самолёт ёки вертолёт ёрдамидагина томоша қилиш мумкин. Шу ўринда яна бир савол туғилади: балки қадимгилар ҳақиқатан ҳам ҳаво шари ёки бирор бошқа қурилма воситасида самога парвоз қилишгандир?

Яқинда Колумбия пойтахти Баготада қадимги инкларнинг қимматбаҳо экспонатлари орасида худди ҳозирги самолётга ўхшаш олтин ҳайкалча топилган. Бундан ташқари мутахассислар Никарагуа чангалзорларида қояга чизилган, минг йиллик тарихга эга бўлган номаълум учувчи қурилма суратини аниқлашган. Бир олим айтганидек, биз аждодлар билимини тан олмай уни ўзга сайёраликларники деб адашмаяпмизми? Хулоса қилиб айтганда Наска ҳақидаги саволлар яна жумбоқлигича қолмоқда. Демак, геолог, биолог ва тарихчилар илмий изланишларини ҳали яна узоқ вақт давом эттиришади.

НИГОҲ

МАВСУМ

Ёзги таътил мароқли ўтмоқда

айни пайтда мавсумнинг учинчи навбатига болаларни қабул қилиш бошланди

Ёз фасли нафақат мева-чевага бойлиги, шунингдек, меҳнаткаш халқимиз ва фарзандларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши билан ҳам аҳамиятлидир. Бу борада оромгоҳларнинг мавсумга қай даражада тайёрлиги, болажонларнинг чиниқиши ва соғлом бўлиши учун ўтказилаётган спорт мусобақалари, овқатланиш ва санитария ҳолатларининг тўғри йўлга қўйилиши, қизиқарли учрашувлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларнинг роли катта.

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ушбу масъулиятли ҳамда долзарб масалани изчиллик билан бажарилиши мутасадди ташкилотлар ва жамоат тузилмаларининг саъй-ҳаракатлари, уларнинг юксак касб малакасига ҳам боғлиқдир...

- Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 майдаги қарори ва Тошкент шаҳар ҳокими ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг қўшма қарорига асосан соғломлаштириш оромгоҳларининг самарали ишлаши борасида талай ишлар амалга оширилмоқда, - дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходими Ирода Ҳикматова. - Бугунги кунда оромгоҳларнинг биринчи ва иккинчи навбатларида 22465 нафар пойтахт ишчи-хизматчилари ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари, 1440 нафар қорақалпоғистонлик болажонларимиз соғломлаштирилди. Яъни, стационар турдаги оромгоҳларда 6824, санатор турдаги оромгоҳларда 7941, кундузги мактаблар қошидаги оромгоҳларда 7700 нафар бола дам олди. Бугун мавсумнинг учинчи навбатига болаларни қабул қилиш бошланди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ёз мавсумининг июнь, июль ойлари учун йўлланмалар шаҳарда истиқомат қилаётган кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига, Чернобил АЭС фалокати оқибатини тугатиш қатнашчилари, афғон воқеалари ногиронларининг болаларига, шаҳар касаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг болалар-ўсмирлар мактаблари ўқувчиларига, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларига имтиёзли равишда берилди.

Таъкидланганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Камолот" ЁИҲнинг шаҳар, туман бўлимлари, Маънавият тарғибот марказининг шаҳар бўлими томонидан ёз мавсумининг биринчи ва иккинчи навбатларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида фан, маданият, санъат намоёндалари, таниқли спортчилар билан учрашувлар ҳамда улар иштирокида тадбирлар ўтказиб келинмоқда...

- Ёзги таътил даврида оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини янада такомиллаштириш мақсадида мусобақалар, спартакиадалар, қизиқарли учрашувлар, қўшиқ ва рақс фестиваллари ҳам ташкил этилди, - дейди В.П.Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ДАК касаба уюшмаси раиси муовини Муродхон Мақсудов. - Айни пайтда оромгоҳларда Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида жойларда амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари, азим Тошкент шаҳримизнинг 2200 йиллигига бағишланган тадбирлар ҳақида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Биз жараён билан яқиндан танишиш мақсадида айрим дам олиш оромгоҳларида бўлиб, ўқувчи-ёшлар билан мулоқот қилдик. Шулардан бири "Сокол" болалар оромгоҳи тарбияланувчиси Илья Раудкин.

- Мен Тошкент шаҳридаги 166-мактабнинг 6-синфига ўтдим, - дея сўз бошлади у. - Рақс тушишни ёқтираман. Шеър ўқиш бўйича ўтган йили пойтахтимиздаги Ҳамза туманида бўлиб ўтган олимпиадада 2-ўринни эгалладим. Мароқли ҳордиқ чиқараяпман, десам муболаға бўлмайди. - Мен Достон Озодхўжаев, Шайхонтоҳур туманидаги 10-мактабда ўқийман. Бу йили 11 ёшни қаршиладим, - дея бурролик билан сўзга қўшилди яна бир жажжи суҳбатдошимиз. - Газеталарда ҳам икки йилдан буён иштирок этиб келаман. Келажакдаги орзуим ҳам журналист бўлиш. Синглим ҳам мендан ўрнак олиб ижод билан шуғулланмоқда.

Дарҳақиқат, фарзандлари соғлом юрт - қудратли бўлур, дейилиши бежиз эмас. Меҳнаткашлар фарзандларини мактаб таътиллари кунларида оромгоҳларда соғломлаштириш - бу биргина касаба уюшмаларининг эмас, балки қатор бошқарма ва идораларнинг ҳам вазифасидир. Оромгоҳларга ташриф буюрарканмиз, мактабдан холи, дам олиш масканида ташкил этилган тўгаракларда болажонлар қўли билан яратилган турли техник воситаларнинг макетлари, ёш ижодкорлар томонидан зарқоғоздан ясалган оққуш ва бошқа жониворлар, пластилиндан ишланган нуроний, хушчақчақ кексалар қиёфасини кўриш мумкин.

Юртимизда болалар спортига берилаётган эътибор, ғамхўрлик ҳам диққатимизни ўзига тортмасдан қолмайди. Масалан, шахмат, шашка бўйича қизғин баҳслар, ўғил болалар ўртасида ўтказилаётган футбол мусобақалари, волейболчи қизларнинг беллашувига гувоҳ бўлиб, келажагимиз Миржалоллари, Рустамларини айнан шу ерда кашф этсак ажабмас, деган хулосага келамиз. Соғлом авлод порлоқ келажак сари йўл бошлар экан, болажонларимизни чиниқтириш, ёзги таътил вақтини тўғри ташкиллаштириш уларни маънан ва жисмонан баркамол қилиб вояга етказишнинг асосий омили бўлади.

АБИТУРИЕНТ—2009

Ҳаяжонли дақиқалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 июндаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига 2009-2010 ўқув йилига қабул тўғрисида"ги ПҚ-1123 сонли Қарорига мувофиқ республикамиз олий ўқув юртларига бу йил жами 57305 та, жумладан, 19755 та давлат гранти асосида, 37550 та тўлов-шартнома асосида бакалаврлар тайёрлаш режалаштирилган. Магистратура босқичида 5647 та, жумладан, 1559 та давлат гранти ва 4088 та тўлов-шартнома асосида мутахассис тайёрлаш мўлжалланган.

- Ўқув даргоҳимизга абитурентларни қабул қилиш юксак савияда ташкил этилди,- дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қабул комиссияси масъул котиби Абдурахим Абдушукуров.- Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил ўқув даргоҳимизга бакалаврият йўналишига жами 1755 та, шу жумладан, 670 та давлат гранти ва 1085 та тўлов-шартнома асосида, магистратура босқичида эса жами 611 та, жумладан, 159 та давлат гранти ва 452 та тўлов шартнома асосида қабул режалаштирилган. Қабул даврида 10700 га яқин йигит-қиз ҳужжат топширдилар.

Мамлакатимизда карвонбоши университет ҳисобланган мазкур ўқув даргоҳи юксак илмий салоҳиятга эгадир. Бу ерда 13 та факультет, 95 та кафедра, 16 та илмий лаборатория мавжуд бўлиб, уларда 21 нафар академик, 225 нафар фан докторлари ва профессорлар, 600 га яқин фан номзоди ва доцентлар ҳамда юзлаб катта ўқитувчилар, ассистентлар талабаларга сабоқ берадилар. Университетнинг бакалаврият босқичида 47 та йўналиш, магистратура босқичида эса 115 та ихтисослик бўйича таълим берилади.

Шундай қутлуғ даргоҳда таҳсил олиш иқтидорли ёшларга насиб этишига тилакдошмиз.

Азиза УСМОНОВА,
журналист

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

Ўзбек халқининг узоқ тарихга эга бўлган миллий ўйини-кўпкари бугунги кунда энг оммабоп спорт турига айланиб бормоқда. Қизилқум бағрида от чоптириб юрган алпқомат йигитлару, отга ихлоси баланд инсонлар Навоий вилоятида от спортини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшаётгани аҳамиятга молик. Айни пайтда бу ерда Халқаро кўпкари мусобақасининг 10 йиллигига муносиб ҳозирлик кўрилмоқда.

Кўпкари — "кўпнинг иши"

Парда ЖУМАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Дарвоқе, бундан роппа роса 10 йил аввал айнан мазкур воҳада халқаро кўпкари мусобақаси катта тантаналар билан нишонланганди. Вилоятдаги Қизилқум кенгликларига туташувчи Нурота, Томди, Конимех туманларида ҳар йили қўзилатиш мавсуми якунланиб, чорвадорларнинг анъанавий ҳосил тўйлари бошланади. Бу тадбирни кўпкарисиз тасаввур қилиш қийин. Жорий йилнинг май, июнь ойларида ўтказилган ана шу мусобақаларда Эрғали чавандознинг ўғли Тинчлик Қувондиқовга тенг келадигани топилмади.

Навоий вилоятида улоқ-кўпкари ва от спорти Федерацияси 1997 йилда Хайрулла Назаров томонидан ташкил этилган. У кишининг айтишича, кўпкарига ҳамма отларни қўшиб бўлмайди, чунки бу жониворни юк ташишга, спортга мослаштирилган турлари бор. Спорт учун қора байир отлар тузук, чунки улар чаққон ва бақувват бўлади. Лекин кейинги йилларда қорабайир от зотлари камайиб кетгани кузатилмоқда. Қорабайир от зотларини кўпайтириш учун Жиззахдан ана шундай отлар олиб келинди. Ёшлар ўртасида уларни от спортига қизиқтириш учун машғулотлар ўтказилмоқда. Кўпкарининг иккинчи номи "Улоқ" ўйини бўлиб, унда ҳакам томонидан янги сўйилган улоқ боласи ўртага ташланади. Улоқни қўлга киритган чавандозлар тақимига қисиб жамоа қуршовида манзилга етказади. Ўйинни ташкил қилиш учун белгиланган қоидалар бор. Хусусан, мусобақа 100 х 200 метрли 2 позонли текис жойда ташкил этилади. Майдонда жамоа қуръа ташлаш йўли билан иккига бўлинади. Ҳар бир гуруҳда ярим финал ўйинчиларини аниқлаш учун ўйинлар ўтказилади. "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади", деганларидек, от анжомлари мустаҳкам бўлса чавандоз ўз маҳоратини кўрсата олади. Ҳозирги вақтда отларга эгарлар маҳаллий усталар томонидан ясалаётгани ишни тез ва янада сифатли бўлишини таъминламоқда.

Яқинда Кармана туманидаги "Дўстлик" қўрғонида кўпкари ўйини бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Унда Нурота чавандозлари биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни Навбаҳор ва Қизилтепа туман отчопарлари эгаллашди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бу спорт ўйинлари мустақиллик шарофати билан миллий байрам ва қадриятларимизнинг ажралмас бўлагига айланди десак янглишмаймиз. Уларни ҳеч қачон унутиб ва тарк этиб бўлмайди.

ЎГИТ

Сўз-да дўстликдин нишона бўлгуси,
Гар сукут эрса, ризолик белгиси.

* * *

Ҳар неким ўрнида эрса, адл эрур,
Зулм ўлур ўрнида эрмас эрса ул.

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Нидерландиянинг пойтахти Амстердам шаҳрига 1275 йили асос солинган. Шаҳар шимолий Голландия вилоятидаги Амстел дарёси бўйида жойлашган. Дарё тошиб, атрофни сув босавергач, тўғон қурилган. Тўғон нидерландлар тилида "Dum" дейилади. Амстердам сўзининг маъноси "Амстел дарёсидаги тўғон" маъносини англатади.

* * *

XXI аср бошларига қадар Жанубий-Шарқий Осиёдаги буддавийлар мамлакати – Бутанда кинофильм ишлаш ва қўшиқчилик таъқиқланган эди.

* * *

Рихард Вагнернинг "Нибелунг узуги" опералар цикли илк бор 4 кеча давомида 15 соатдан кўпроқ ижро этилган. Бастакор бу ижод наъмунасини яратиш учун 25 йил умрини сарфлаган.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимги атир

Бонна университети олимлари аёл-фиръавн Хатшепсутнинг атирини янгидан яратишни мўлжаллашмоқда.

Олимлар компьютер томографияси ёрдамида мисрлик маликанинг муҳри босилган идишдаги қолдиқларнинг кимёвий таркибини аниқлашган. Аммо, бу тадқиқот ҳали ниҳоясига етганича йўқ. Мутахассислар айни пайтда атир таркибидаги энг муҳим бўлган модда устида илмий тадқиқотлар ўтказишмоқда. Шундай экан, яқин кунларда қадимдаги малика Хатшепсут фойдаланган атирининг нусхаси бизгача етиб келса ажаб эмас.

Уч номаълум бактерия

Ҳиндистон космик агентлиги (ISRO) олимларининг таъкидлашича, биз нафас олаётган ҳаводан учта номаълум бактерия аниқланган.

Мутахассислар метеорологик зонд ёрдамида 41 километр баландликдан олинган намуналарни текшириб, ушбу бактериялар бошқа микроорганизмларга хавфли бўлган ультрабинафша нурнинг юқори дозасини ҳам қабул қила олишини исботлашган. Бактериянинг биринчи тури Ҳиндистон коинот агентлиги —ISRO шарафига Bacillus isronensis, иккинчиси қадимги ҳинд астрономи Ариабхатега атаб — Bacillus Aryabhata, учинчиси англиялик астрофизик Фред Хойл хотирасига бағишлаб — Janibakter Hoylei деб номланган.

Талабларга кўра

Сўнгги пайтларда шифокорларга қуёш нуридан терининг зарарланиши оқибатида ҳар хил тери касалликлари келиб чиқаётгани тўғрисида бир қанча мурожаатлар келиб тушган.

Шу боис Калифорния университетининг олимлари гиппопотамнинг махсус бези ишлаб чиқарадиган суюқликдан дори ишлаб чиқаришни режалаштиришмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, ана шу суюқлик ҳайвонларга кун бўйи қуёш нурида бўлишига ёрдам бераркан. Тадқиқотчилар яратилаётган дори инсонларни қуёш нурининг ёмон таъсиридан сақлашига умид қилишмоқда.

Жонли маникен

Яқинда Японияннинг Фан ва техника миллий институтининг гуманоидлар билан шуғулланувчи муҳандислари "HRP-4C" номли роботни омма эътиборига ҳавола этишди.

Бир қарашда оддийгина қизга ўхшайдиган роботнинг бўйи 158 см., вазни 43 кг.ни ташкил этади. Унинг юз ва бўйин териси остига 42 та микросимлар ўрнатилганлиги боис, у одамга ўхшаб имо-ишора қила оларкан. Мутахассислар ушбу роботни чамаси бир йилдан сўнг оммавий ишлаб чиқаришни режалаштиришмоқда. Айтишларича, HRP—4Снинг асосий вазифаси йирик савдо марказларида кийимларни намойиш этиш экан.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА
тайёрлади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолиббшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-623, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Акобир САЙИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.

1 2 3 5